 - бошқа жараёнлар ёки ҳисоб-китобларга чиқариш
- символ: 3-иловага қаранг: Символлар.
- Улагичлар:
 - дастурда маълумотлар оқими йўналишини кўрсатиш
 - шунингдек дастурдаги жараёнлар кетма-кетлигини кўрсатиш
 - шунингдек мантиқий қарор натижаларини кўрсатиши (ҳа/йўқ)
 - символ: 3-иловага қаранг: Символлар.
- Якунни бошлаш:
 - жараён ёки дастурнинг бошланиши ва якунини кўрсатади
 - символ: 3-иловага қаранг: Символлар.

В2 Структуралаштиришган инглиз тили (псевдокод)

Ўқувчилар муаммони ҳал қилиш учун зарур бўлган ҳисоблаш вазифаларини ёки алгоритмларини тавсифлаш учун псевдокод яратиш имкониятига эга бўлишлари керак.

- Дастурий муаммони ҳал қилиш учун псевдокод ёзиш, шу жумладан:
 - тартиблилиги
 - тузилиши:
 - иерархия
 - чеккаланиш.
 - операциялар:
 - БОШЛАШ
 - ТУГАТИШ
 - КИРИШ
 - ЧИҚИШ
 - БОСИБ ЧИҚАРИШ
 - ЎҚИШ
 - ЁЗИБ ОЛИШ.
 - ечимлар:
 - АГАР
 - КЕЙИН
 - АКС ҲОЛДА
 - АКС ҲОЛДА АГАР.

- такрорланишлар:
 - УЧУН
 - ГАЧА ТАКРОЛАШ
 - ШУ ВАҚТГАЧА, ҲОЗИРЧА
 - ШУ ВАҚТГАЧА, ҲАЛИ ЭМАС.

В3 Маълумотлар оқимларининг диаграммалари

Ўқувчилар дастурий таъминотда маълумот оқимини визуал равишда тақдим қилишлари учун, маълумотлар оқими диаграммаларини яратиш имкониятига эга бўлишлари керак.

- Ташқи субъект:
 - шахс, тизим ёки қуйи тизимни ифодалаш учун фойдаланилади
 - маълум бир маълумотлар олинадиган ёки юборилган жой
 - символ: 3-иловага қаранг: Символлар.
- Жараён:
 - маълумотларни қайта шакллантирадиган ва манипуляция амалга ошириладиган функция
 - символ: 3-иловага қаранг: Символлар.
- Маълумотлар оқими:
 - ахборот оқимини англатади;
 - оқим улагичининг охирида стрелка билан кўрсатилган йўналиш;
 - символ: 3-иловага қаранг: Символлар.
- Маълумотлар сақланадиган жой:
 - талаб қилинадиган ва/ёки жараён томонидан ишлаб чиқарилган доимий маълумотларни сақлашни англатади
 - символ: 3-иловага қаранг: Символлар.

В4 Кириш ва чиқиш маълумотларига талаблар

Ўқувчилар таклиф қилинадиган дастурий ечимни киритиш ва чиқариш учун тегишли ва батафсил лойиҳа ҳужжатларини, шу жумладан қуйидагиларни тақдим эта олишлари лозим:

- Визуал:
 - экран макетлари
 - раскадровкалар
 - турли платформалар ва қурилмалар учун муқобил макетлар.

- Маълумотни киритиш шакллари:
 - макет ва тузилиши
 - таклиф этилаётган майдонлар
 - маълумотларни киритиш усуллари.
- Ҳисобот шакллари.
- Ускунага оид талаблар.

С ўқитиш мақсади: Аниқланган муаммо учун синовдан ўтказиш режасини тузиш

С1 Синовдан ўтказиш услублари

Ўқувчилар таклиф этилган дастурий ечимни текшириш учун тест ўтказиш текислигини яратиш имкониятига эга бўлишлари керак.

- Тест ўтказишнинг турли усуллари тушуниш:
 - функционал бўлмаган:
 - амалга ошириш имкони мавжудлигини тестдан ўтказиш
 - мувофиқликни тестдан ўтказиш
 - конфигурацияни тестдан ўтказиш
 - юкломани тестдан ўтказиш.
 - функционал:
 - модулли тест ўтказиш
 - тутунли тестдан (Smoke test) ўтказиш
 - интеграцияни тестдан ўтказиш
 - тизимни тестдан ўтказиш.
- Қайси тест маълумотларидан фойдаланишни аниқлай олиш:
 - нормал
 - ҳаддан ташқари
 - нормал бўлмаган.
- Синов режаларини ишлаб чиқишни билиш, шу жумладан:
 - синов усуллари
 - фойдаланиладиган синов маълумотлари
 - кутилаётган натижалар
 - синов графиги.

Модулнинг қисқача мазмуни

Ўқитиш мақсади	Модулнинг асосий таркиби	Баҳоловчи ёндашув
A Дастурий таъминотга бўлган талаблар таҳлил ўтказиш	A1 Тадқиқот усуллари A2 Дастурий таъминот муваффақиятига таҳдидлар A3 Хужжатларга талаблар	Аниқланган мижознинг дастурий таъминотга бўлган талабининг тугалланган таҳлили.
B Аниқланган муаммонинг ечимини ишлаб чиқиш	B1 Стандарт белгилардан фойдаланган ҳолда блок-схемалар B2 Структуралаштиришган инглиз тили B3 Маълумотлар оқимларининг диаграммалари B4 Кириш ва чиқиш маълумотларига талаблар	Мижоз дастурий таъминотининг талабларига жавоб берувчи ечимни кўрсатадиган лойиҳа хужжатлари. Бунга блок-схемалар, псевдокод, маълумотлар оқими диаграммаси ва кириш/чиқиш талаблари киради.
B Аниқланган муаммо учун тест ўтказиш режасини тузинг	C1 Синовдан ўтказиш услублари	Таклиф этилган ечимни текшириш учун синов режаси.

Ўқитувчилар ва имтиҳон олувчилар учун қўшимча маълумот

Ресурсларга талаблар

Ушбу модул учун махсус ресурслар талаб қилинмайди.

Қарорларни баҳолаш учун зарур маълумотлар

А ўқитиш мақсади

Ўқувчилар мижозлар талабларини тушунишларини кўрсатадиган таҳлил ўтказишлари керак. Ҳужжатлар қуйидагиларни ўз ичига олиши керак: мақсад ва вазифалар; кириш ва чиқишлар; зарур жараёнлар; тугатиш муддатлари. Шунингдек, ўқувчилар дастурий таъминотни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун таҳдидларни тушунтиришлари керак.

Таҳдидлар, улар аниқлаган ҳар қандай хавф ва чекловлар билан боғлиқ бўлиши керак.

В ўқитиш мақсади

Ўқувчилар мижоз учун мос ечимни таъминловчи дастурий таъминотни ишлаб чиқиш ҳужжатларини тақдим этишлари керак. Бунга блок-схемалар, псевдокод, маълумотлар оқими диаграммаси ва кириш/чиқиш талаблари киритилиши керак. Ўқувчилар, шунингдек, ўзларининг ишланмалари бўйича бошқа одамларнинг фикр-мулоҳазаларини излаганлари ва улардан муаммонинг ечимини яхшилаш учун фойдаланганликларини кўрсатишлари керак. Улар, ечим мижознинг талабларига қандай жавоб беришини тушунтириб беришлари керак.

С ўқитиш мақсади

Ўқувчилар аниқланган муаммонинг мумкин бўлган ечимини текширадиган тест ўтказиш режасини тузишлари керак. Тест ўтказиш режасида тест ўтказиш усуллари, кейин фойдаланиладиган тест маълумотлари, кутилган натижалар ва график бўлиши керак. Ўқувчилар ўзлари танлаган тест ўтказиш усуллариини тушунтириб беришлари керак. Бунинг учун улар аввал тест ўтказиш усуллариини тавсифлаб, кейин уларни нима учун танлаганликларини тушунтиришлари керак.

Бошқа модулларга ҳаволалар

Ушбу модулни *1-модул: Дастурлашга кириш* билан бирга ўргатиш мумкин.

3-модул: Веб-сайт яратиш

Ўзбекистон Даража: 4

Модул тури: **Ички баҳолаш**

Ўқув соатлари: 120

Модул билан танишиш

Кўпгина ташкилотлар веб-сайтларга таянишади. Веб-сайтларни ишлаб чиқишда иштирок этадиган сценарийлар тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Веб-сайт ишлаб чиқувчилар турли хил қурилмаларда ишлайдиган самарали веб-сайтларни яратиш кўникмаларини ривожлантиришлари керак.

Ушбу бўлимда ўқувчилар веб-сайтларни уларнинг самарадорлигини таққослаш учун кўриб чиқадилар. Улар веб-сайтни яратиш учун конструкторларга оид ҳужжатлардан қандай фойдаланишни ўрганадилар. Кейин улар веб-сайтларни ишлаб чиқиш учун, уларнинг дизайнини амалга оширувчи HTML, услублар каскадли жадваллари (CSS) ва JavaScript-дан қандай фойдаланишни билиб оладилар.

Ўқитиш мақсадлари ва баҳолаш мезонлари

Ушбу модулни ўтиш учун ўқувчилар муайян мезонларга мос келишлари шарт. Натижага эришиш учун зарур бўлган баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилган стандартга мувофиқ белгиланади.

Ўқитиш мақсади		Баҳолаш мезонлари	
A	Веб-сайт дизайни тамойилларини тушуниш	A.P1	Иккита веб-сайтни, ўз мақсадли аудиторияси ва мақсади учун яроқлилигини таққосланг.
		A.P2	Сайт унумдорлигига таъсир қилиши мумкин бўлган омилларни тушунтиринг.
B	Мижознинг талабларига мувофиқ мос келувчи веб-сайтни ишлаб чиқиш	B.P1	Веб-сайт учун миқдор талабларига жавоб берадиган структура яратинг.
		B.P2	Веб-сайтингиз учун саҳифанинг самарали макетини яратинг.
		B.P3	Яхшиланишларни аниқлаш ва хабар қилиш учун лойиҳани бошқалар билан кўриб чиқинг.
C	Мижоз талабларини қондирадиган веб-сайт ишлаб чиқиш	C.P1	Мақсадли аудитория ва мақсадлар учун интерфаол веб-сайт яратинг.
		C.P2	Сайтнинг функционалиги ва мувофиқлигини текширинг.
		C.P3	Сайтни бошқалар билан кўриб чиқинг ва яхшилаш киритинг.
		C.P4	Сайт миқдорнинг талабларига қанчалик яхши мос келишини баҳоланг.

Мазмуни

А ўқитиш мақсади: Веб-сайт дизайни тамойилларини тушуниш

А1 Веб-сайтларнинг хусусиятлари

Ўқувчилар веб-сайтларнинг мақсадини, сайтга нисбатан йўналишини ва веб-сайтнинг дизайнини яхшиловчи нарсаларни тушунишлари керак:

- Веб-сайтларнинг умумий мақсадларини тушуниш:
 - мавжуд ёки потенциал мижозларга маълумот тақдим этиш, масалан:
 - бу қандай ташкилот ва у қандай фаолият билан шуғулланади
 - қаерда жойлашган
 - иш соатлари
 - ташкилот билан қандай боғланиш керак.
 - мижозларга ташкилот билан ўзаро муносабатларга рухсат бериш, масалан:
 - маълумот сўраш
 - товарлар ёки хизматларни сотиб олиш
 - буюртмаларни кузатиб бориш.
- Веб-сайтлар сегментланган фойдаланувчилар учун мўлжалланган бўлиши мумкинлигини тушуниш:
 - демографик жиҳатдан, масалан, ёши, жинси, даромадлари ва касби
 - психографик жиҳатдан, масалан, шахслар, турмуш тарзи, ижтимоий синфлар.
- Сайтнинг яхши дизайни тамойилларини тушуниш.
 - ҳар бир саҳифа учун аниқ мақсад
 - яхши ўйлаб чиқилган маълумот, масалан, сетка ёрдамида
 - аниқ визуал иерархия
 - мос шрифтлар
 - мос ранглар
 - мос расмлар
 - осон навигация
 - турли хил қурилмалар, масалан, планшетлар, мобил телефонларга мослиги.
- Медиа ва объектлардан веб-сайтларда қандай фойдаланилишини тушуниш, масалан:
 - жойлашув
 - контраст
 - ҳажм
 - мақсадга мувофиқлик.

A2 Сайтнинг унумдорлигига таъсир қилувчи омиллар

Ўқувчилар сайт унумдорлигига таъсир қилиши мумкин бўлган турли омилларни тушунишлари керак.

- Сценарийлар бажариладиган жой:
 - веб-серверда – сервер скриптларида
 - маҳаллий мижоз компьютери – мижоз скриптлари.
- Браузернинг мувофиқлиги:
 - қайси элементлар турли хил браузерлар томонидан қўллаб-қувватланади.
- Сервер томонидаги омиллари:
 - ўтказиш қобилияти
 - хитлар (hit) сони
 - трафик ҳажми
 - плагинлар
 - файл турлари
 - веб-сервер сиғими
 - сценарийлар.
- Клиент омиллари:
 - юклаш ва юклаб олиш тезлиги
 - браузер
 - кеш хотираси
 - процессор тезлиги
 - интерфаоллик.

В ўқитиш мақсади: Мижознинг талабларига мувофиқ мос келувчи веб-сайтни ишлаб чиқиш

В1 Сайт дизайни

Ўқувчилар веб-сайтни қандай тузишни билишлари ва саҳифаларнинг самарали макетларини яратиш учун лойиҳа ҳужжатларидан фойдаланишлари керак.

- Тегишли структура ёрдамида навигация харитасини ярата олиш:
 - иерархик
 - композицион
 - чизиқли
 - сетка.
- Саҳифалар макетлари учун турли хил лойиҳа ҳужжатларидан фойдаланаланишни билиш:
 - каркаслар
 - веб-дизайн услуги бўйича қўлланма.

- Саҳифаларнинг самарали макетларини ярата олиш:
 - элементларни жойлаштириш учун жадвал ёки CSS-дан фойдаланиш
 - объектларнинг жойлашуви
 - ранг схемаси
 - навигация тизимлари:
 - горизонтал меню
 - вертикал меню
 - навигация.
 - излаш функцияси
 - матнли майдонлар:
 - ҳажми
 - шрифтлар
 - услублар
 - ранглар.
 - расм:
 - файл турлари
 - -баландлиги ва кенглиги.
 - очиладиган рўйхатлар, шакллар, галереялар, активлар каби бошқа интерфаол элементлар.

С ўқитиш мақсади: Мижоз талабларини қондирадиган веб-сайт ишлаб чиқиш

С1 Гиперматнли белгилаш тили (HTML)

Ўқувчилар веб-таркибларини тузиш ва уларга мазмун ва мақсад бериш учун HTML ни тушунишлари ва ундан фойдалана олишлари керак.

- Веб-саҳифалар тузишда HTML қандай ишлатилишини тушуниш:
 - тил версияси
 - зичловчи элементлар
 - теглар
 - атрибутлар.
- Ҳужжат тўғрисида маълумот бериш учун «Сарлавҳа» элементида қандай фойдаланилишини тушуниш:
 - метамаълумотлар
 - ҳужжатнинг номи
 - сценарийлар
 - услублар
 - ташқи файлларга ҳаволалар.

- Уюшган синтаксисни ёза олиш:
 - элемент номлари, қийматлари ва атрибутларидаги кичик ҳарфлар
 - жойлаштирилган элементларни суриш
 - қўштирноқ
 - мантиқий атрибутларда қийматларни ўтказиб юбориш
 - ўз-ўзидан ёпиладиган элементларнинг сўнггида қия чизиқни олиб ташлаш.
- Блок даражасидаги элементлар ва ички элементлар остида нима назарда тутилатганини тушуниш.
- Элементлар муайян қоидаларга амал қиладиган турли хил таркибий моделларга тегишли бўлиши мумкинлигини тушуниш:
 - оқим
 - секцияларга ажратиш
 - рубрика
 - фразалаш
 - ўрнатилган
 - интерфаол.
- Веб-саҳифада матннинг тузилиши ва форматини аниқлаш учун элементлардан фойдалана олиш:
 - мақолада
 - бўлимда
 - сарлавҳалар
 - пунктлар
 - тематик танаффуслар
 - урғу бериш
 - муҳимлик.
- Рўйхатлар туза олиш:
 - тартибсиз
 - тартибли (start ва type атрибутларидан фойдаланиш)
 - таърифи/тавсифи
 - ички рўйхатлар.
- Ҳаволалар ярата олиш:
 - ички ва ташқи
 - электрон почтага
 - ҳаволаларни янги ойнада ёки браузер ёрлиғида очиш
 - ўша саҳифанинг маълум бир қисмига ёки бошқа саҳифага ҳаволалар.

- Веб-саҳифаларга расм қўша олиш:
 - файл формати
 - расм ҳажми
 - ўлчамлари
 - асл нисбатларни сақлаш
 - расмларнинг жойлашуви
 - муқобил тег.
- Маълумотларни жадвалда тақдим эта олиш:
 - қаторлар
 - маълумотлар
 - сарлавҳалар, танаси ва пастки сарлавҳа
 - бир нечта катاكلарни бирлаштириш.
- Веб-саҳифада шакл ярата олиш:
 - шакл тузилиши
 - шакл элементлари
 - бошқарув шакллари
 - шакл тугмачалари
 - шакл элементларини ташкил этиш ва гуруҳлаш
 - киритиш турлари
 - матнли майдонлар
 - очиладиган рўйхатлар.
- Веб-шакллар қандай ишлашини тушуниш:
 - маълумотларнинг браузердан серверга қандай юборилиши
 - шаклни текшириш.
- Аудио ва видеоларни тайёрлаш ва қўшишга қодир бўлиш:
 - бир нечта файл форматлари
 - веб-саҳифага жойлаш.
 - бошқарув
 - бошқарув воситаларини созлаш ва атрибутларни қўшиш
 - бир неча манбаларни белгилаш учун бошланғич элементдан фойдаланиш.
- Ташқи веб-сайтлардан динамик таркибни қўшиш учун ўрнатилган фреймлардан фойдалана олиш.

C2 Услугларнинг каскадли жадваллари (CSS)

Ўқувчилар турли ўлчамдаги экранларда ишлайдиган замонавий интерфейсларни лойиҳалаш учун CSS-ни тушунишлари ва ишлатишлари керак.

- CSS-нинг мақсадини тушуниш:
 - саҳифа макетини бошқариш;
 - саҳифанинг изчил дизайни.
- HTML-кодда CSS-га мурожат қилишни билиш:
 - ўрнатилган услублар
 - ички ва ташқи услублар жадваллари
 - папкалар тузилиши
 - исмларга оид келишувлар
 - нисбий йўл.
- CSS қоидаларини ёзишни билиш:
 - селекторлар.
 - зичлаштирувчи хусусиятлар
 - қийматлар.
- CSS селекторлардан фойдалана олиш:
 - тури
 - синфи
 - ID
 - атрибут.
- Кўп элементларга тегишли бўлган умумий қоидалардан фойдаланган ҳолда ва алоҳида элементларга хос қоидаларни қўллаган ҳолда самарали услублар жадвалларини ёза олиш:
 - каскадли
 - мерос.
- Муайян қиймати бўлган атрибутга эга бўлган элементларга нисбатан қўлланиладиган CSS атрибутини селекторлар ёрдамида қоидалар ярата олиш:
 - мавжудлик
 - тенглик.
- Рангларни белгилай олиш:
 - ранг номлари
 - ўн олтилик сонли белги
 - RGB қийматлари.

- Рангни бошқара олиш:
 - шаффофсизлик
 - градиентлар
 - HSL қийматлари.
- Узунлик қийматларини белгилай олиш:
 - мутлақ узунликлар
 - нисбий узунликлар.
- Элементларни услублар билан ишлата олиш:
 - матн макети
 - шрифт
 - ҳаволалар
 - варақ
 - жадваллар
 - шакллар
 - расм.
- Блок моделидан фонлар (фон расмлари, градиентлар, CSS-спрайтлар) ва элементлар учун чегараларни қўшишда фойдаланиш.
- Элементларнинг ҳолатини назорат қила олиш:
 - нормал оқим
 - нисбий жойлашув
 - мутлақ жойлашувни аниқлаш
 - собит жойлашувни аниқлаш
 - сузувчи элементлар
 - тўсилиб қоладиган элементлар.
- Қўтиларнинг ташқи кўринишини бошқариш учун блокли моделдан фойдалана олиш:
 - дисплей
 - кенглиги
 - баландлиги
 - чегаралар
 - майдон ва чеккалар.
- Турли хил ўлчамдаги экранлар учун лойиҳалаштира олиш:
 - белгиланган кенгликдаги макетлар
 - суюқ макетлар
 - макетлар сеткаси
 - CSS-фреймворклар.
- Лойиҳалаштиришнинг мослашувчан усулларида фойдалана олиш.

- Анимациялар яратиш учун CSS-ўтишлари ва қайта шакклантиришдан фойдаланиш:
 - ўтиш хусусиятлар
 - хусусиятларни ўзгартириш
 - 3D-трансформациялар
 - Бейзе кубиги.

C3 JavaScript

Ўқувчилар интерфаол веб-саҳифаларни яратиш учун JavaScript-ни тушунишлари ва ундан фойдаланишлари керак.

- Хужжатнинг объектли модели (DOM) браузер ойнасида бўлганда, JavaScript-га веб-саҳифанинг таркибига кириш ва уни янгилашига қандай имкон беришини тушунинг.
- Ўхшашликларни излай олиш:
 - ҳарфлар ва бош/кичик ҳарфларнинг кетма-кетлиги
 - рақам
 - тиниш белгилари ва бошқа белгилар.
- Веб-саҳифаларга JavaScript-ни қўша олиш:
 - ташқи JavaScript файлларига ҳаволалар
 - JavaScript-ни жойлаштириш
 - JavaScript-ни ёзиш.
- Функционалликни дастурлай олиш:
 - шарҳлар
 - тайинлаш
 - танлов
 - такрорлаш
 - итерация
 - ўзгарувчилар
 - кичик дастурлар.
- JavaScript кодидаги функцияни ишга тушириш учун ҳодисалардан фойдалана олиш:
 - фойдаланувчи интерфейси (UI) ҳодисалари
 - клавиатура ҳодисалари
 - сичқонча ҳодисалари
 - ҳодисаларни фокуслаштириш ва хиралаштириш
 - ҳодисалар шакли.

- Саҳифаларни яратиш учун JavaScript-ни HTML ва CSS билан бирлаштира олиш:
 - слайд-шоу
 - филтрлар рўйхати
 - рўйхатни саралаш
 - қалқиб чиқувчи ойналар
 - таркиб ёрлиқларида.
- Хатолар билан ишлаш ва JavaScript-дан фойдалана олиш.

C4 Семантик код

Ўқувчилар семантик кодни тушунишлари ва ундан фойдалана олишлари керак.

- Браузерлар ва ёрдамчи технологиялар томонидан семантик код қандай ишлатилишини тушуниш.
- Веб-саҳифадаги таркибнинг, таркибини белгилайдиган элементлардан фойдалана олиш:
 - юқори ва пастки сарлавҳалар
 - навигация
 - артикл
 - чеккаланиш
 - асосий нарс.
- Агар тегишли семантик бўлмаган элемент мавжуд бўлмаса ҳам, элементларни бирлаштириш мумкинлигини тушуниш:
 - DIV
 - тозалик
 - шакл
 - жадвал.
- Семантик код қидириш механизмлари томонидан қандай ишлатилишини тушуниш (қидирув тизимини оптималлаштириш).
- Матн қийматини қўшиш учун семантик белгилашдан фойдалана олиш:
 - муҳимлик
 - таянч
 - сарлавҳа гуруҳлари
 - котировка
 - аббревиатура ва қисқартмалар
 - цитата ва таърифлар
 - манзил
 - белги.

- Автоном таркибни семантик равишда белгилай олиш:
 - расмлар
 - изоҳлар.

C5 Сайтни синовидан ўтказиш

Ўқувчилар ишлаб чиқиш жараёнида, ўз сайтларини тест синовидан ўтказишни билишлари керак:

- иш фаолиятини текшириш
- турли хил қурилмалар ва браузерлар учун мувофиқлигини текшириш.

C6 Сайтнинг шарҳи

Ўқувчилар веб-сайт мижозлар талабларига қанчалик мос келишини баҳолаш имкониятига эга бўлишлари керак:

- унинг ўз мақсадли аудиторияси учун ва мақсадларига яроқлилиги
- бошқа шунга ўхшаш сайтларга нисбатан унинг сифати
- унинг кучли томонлари ва амалга оширилиши мумкин бўлган ҳар қандай яхшиланишлари.

Модулнинг қисқача мазмуни

Ўқитиш мақсади	Модулнинг асосий таркиби	Баҳоловчи ёндашув
A Веб-сайт дизайни тамойилларини тушуниш	A1 Веб-сайтларнинг хусусиятлари A2 Сайтнинг унумдорлигига таъсир қилувчи омиллар	Иккита веб-сайт таққосланадиган ва веб-сайт унумдорлигига таъсир қилувчи омилларни тушунтириб берувчи ҳисобот.
B Мижознинг талабларига мувофиқ мос келувчи веб-сайтни ишлаб чиқиш	B1 Сайт дизайни	Мижоз талабларига мувофиқ веб-сайт учун ҳужжатлар ишлаб чиқиш. Мижознинг талабларига мувофиқ, синов ҳужжатлари ва якуний веб-сайтнинг умумий кўриниши билан ишлаб чиқилган веб-сайт.
C Мижоз талабларини қондирадиган веб-сайт ишлаб чиқиш	C1 Гиперматнли белгилаш тили (HTML) C2 Услугларнинг каскадли жадваллари (CSS) C3 JavaScript C4 Семантик код C5 Сайтни синовидан ўтказиш C6 Сайт шарҳи	

Ўқитувчилар ва имтиҳон олувчилар учун қўшимча маълумотлар

Ресурсларга талаблар

Ушбу модул учун ўқувчилар қуйидагиларга эга бўлишлари керак:

- веб-саҳифаларни яратиш учун матн муҳаррири, масалан, Notepad++
- Adobe Dreamweaver каби веб-саҳифаларни яратиш учун веб-муҳаррир
- Жаҳон Консорциуми.

Ечимларни баҳолаш учун зарур маълумотлар

А ўқитиш мақсади

Ўқувчилар камида иккита сайтни таққослашлари керак. Ўз таққослашларида, улар ҳар бир сайт ўз мақсадли аудиторияси ва мақсади учун қанчалик самарали эканлигини баҳолашлари керак. Улар веб-сайтларда дизайн тамойиллари қай даражада қўлланилганлиги, медиа ва объектлардан қай даражада унумли фойдаланилганлигини шарҳлашлари керак. Ўқувчилар веб-сайт унумдорлигига таъсир кўрсатадиган омилларни тушунириб беришлари керак.

В ўқитиш мақсади

Мижоз эҳтиёжларини қондириш мақсадида мослашувчан веб-сайт дизайнини яратиш учун ўқувчилар ҳужжатлар тўпламининг режасидан фойдаланишлари лозим. Ўқувчилар мижознинг талабларига жавоб берадиган ва веб-сайт учун навигацион харитани, веб-сайтнинг турли қурилма/платформаларда қандай кўринишга эга бўлиши ҳақидаги маълумотдан иборат бўлган, услубга доир проекция ва қўлланмани ўз ичига оладиган батафсил лойиҳаларни ишлаб чиқишлари керак. Ўқувчилар ўз лойиҳаларини такомиллаштириш мақсадида уларни бошқалар билан қайта кўриб чиқишлари лозим.

С ўқитиш мақсади

Ўқувчилар интерфаол веб-сайт ишлаб чиқишлари керак. Веб-сайт расмлар, жадваллар ва шаклларни, шунингдек, аудио ва видеоларни ўз ичига олиши мумкин, агар улар мўлжалланган мақсад ва аудитория учун мос бўлса. HTML ва CSS уйғунлашган тузилишга эга ва ўқувчилар ундан кўриб чиқиладиган қурилма/платформага мослашган веб-сайтни лойиҳалаш учун фойдаланадилар. Ҳар бир веб-саҳифа яхши тузилган бўлиши керак, керакли элементлардан фойдаланиши ва уюшган синтаксис ёрдамида ёзилиши керак. Ўқувчилар веб-саҳифаларга семантик баҳо қўшишлари лозим. Ўқувчилар, шунингдек, слайд-шоуларни яратиш учун олдиндан белгиланган сценарийдан фойдаланиб, камида битта веб-саҳифага функционаллик қўшишлари керак. Шунингдек, улар ўзларига, веб-сайтга фойдали ва тегишли ёрдамчи функцияларни қўшадиган, ўзининг шахсий JavaScript-идан иборат оригинал дастур қўшишлари керак. Шунингдек, ўқувчилар ишлаб чиқиш жараёнида турли хил қурилмалар/платформалар билан ишлаш ва мувофиқлик учун тест синовлари ўтказилганлиги далилларини намоиш этадилар. Ўқувчилар яхшиланиш ҳақида хабар беришлари учун бошқалар билан ўз веб-сайтларини кўриб чиқишлари лозим.

Бошқа модулларга ҳаволалар

Ушбу модул қуйидагиларда ўрганилган нарсаларга асосланади:

- 1-модул: Дастурлашга кириш.
- 2-модул: Дастурий таъминот таҳлили ва дизайн.

Иш берувчининг иштироки

Ушбу модул иш берувчиларнинг ташкилотларнинг веб-сайтлари тўғрисидаги маълумотлари кўринишидаги иштирокидан фойда олади.

4-модул: Турли кодлаш парадигмалари ёрдамида дастурлаш

Ўзбекистон Даража: 4

Модул тури: Ички баҳолаш

Ўқув соатлари: 150

Модул билан танишиш

Ушбу модул ўқувчиларга ҳодисавий ва объектга йўналтирилган дастурлашнинг асосий концепциясини тушуниш ва ушбу тилларда кўникмаларни ривожлантириш имконини беради.

Ўқувчилар ҳодисавий дастурлашнинг асосий хусусиятларини ўрганишдан бошлайдилар ва уларни дастурларни ишлаб чиқиш ва синовдан ўтказишни ўрганишда қўллайдилар. Кейин улар объектга йўналтирилган дастурлашнинг асосий хусусиятлари ва ушбу кодлаш парадигмаси ёрдамида ишлаб чиқиш ва синовдан ўтказишни ўрганишда қўллаш ҳақида билиб оладилар.

Ва ниҳоят, улар кодлашнинг ушбу иккита парадигмаси бир-биридан ва 1-модулда ўрганиб чиқилган тамойилли парадигмадан қандай фарқланишини кўриб чиқадиладар.

Ўқитиш мақсадлари ва баҳолаш мезонлари

Ушбу модулни ўтиш учун ўқувчилар муайян мезонларга мос келишлари шарт. Натижага эришиш учун зарур бўлган баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилган стандартга мувофиқ белгиланади.

Ўқитиш мақсади		Баҳолаш мезонлари	
A	Ҳодисалар тилида компьютер дастурини ишлаб чиқиш ва синовдан ўтказиш	A.P1	Мижознинг эҳтиёжларини таъминлаш учун ҳодисавий дастурлаш тилида компьютер дастурини ишлаб чиқинг.
		A.P2	Ҳодисавий дастурлаш тилида ишлаб чиқилган дастурни синовдан ўтказинг.
		A.P3	Синов натижалари бўйича ҳодисавий дастурлаш тилида ишлаб чиқилган дастурни охирига етказинг.
B	Компьютер дастурларини объектга йўналтирилган тилда ишлаб чиқиш ва синовдан ўтказиш.	B.P1	Мижознинг эҳтиёжларини қондириш учун объектга йўналтирилган дастурлаш тилида компьютер дастурини ишлаб чиқинг.
		B.P2	Объектга йўналтирилган дастурлаш тилида ишлаб чиқилган дастурни синовдан ўтказинг.
		B.P3	Синов натижалари бўйича объектга йўналтирилган дастурлаш тилида ишлаб чиқилган дастурни охирига етказинг.
C	Турли дастурлаш тилларининг асосий хусусиятларини тушуниш.	C.P1	Мижознинг эҳтиёжларини қондириш учун ҳодисавий, объектга йўналтирилган ва тамойилли дастурлаш тилларининг мувофиқлигини таққосланг.

Мазмуни

А ўқитиш мақсади: Ҳодисалар тилида компьютер дастурини ишлаб чиқиш ва синовдан ўтказиш

А1 Ҳодисалар

Ўқувчилар ҳодисаларнинг ҳодисавий дастурлашда қандай амалга оширилишини тушунишлари ва уларни дастурда қўллашни билишлари лозим.

- Фойдаланувчи ҳодисалари:
 - Клавиатура:
 - клавишаларни босиш
 - сичқонча:
 - босиш;
 - кўчириб ўтказиш;
 - йўқолиб қолиш;
 - ўлчамни ўзгартириш.
 - сенсорли экран:
 - кузатиш;
 - кўчириб ўтказиш;
 - йўқолиб қолиш;
 - экранга босиш.
- Жорий вақт бўйича ҳодисалар:
 - Реал вақт соатлари (PBC);
 - таймерлар ва интервал ўлчовлари.

А2 Ҳодисаларни бошқариш элементлари ва объектлар

Ўқувчилар кодни яратишда ҳодисаларни бошқариш элементлари ва объектлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлишлари лозим.

- Умумий гуруҳ:
 - файл;
 - чоп этиш;
 - ранг;
 - шрифт.

- Умумий бошқарув виджетлари:
 - матнли майдон;
 - тугма;
 - рухсат;
 - рўйхат майдони;
 - байроқча-тугма;
 - радиотугма.
- Умумий контейнерлар:
 - шакл;
 - панел;
 - қўшимча ойналар.
- Хусусиятлар:
 - ранг;
 - ўлчам;
 - қийматлар;
 - жойлашуви;
 - кўринувчанлиги;
 - фойдалана олиш;
 - шрифт.
- Бошқарувнинг фойдаланувчи элементлари:
 - хусусиятлар;
 - синфлар;
 - усуллар.

A3 Ҳодисаларни қайта ишлагич

Ўқувчилар кодни яратишда ҳодисалар ва объектларга ишлов бериш имкониятига эга бўлишлари лозим.

- Ҳодисаларнинг умумий қайта ишлагичлари:
 - босиш;
 - босилган ҳолатда бўлиш;
 - фокусни йўқотиш;
 - фокусга эга бўлиш;
 - клавишани босиш;
 - клавиша босилган ҳолатда бўлиш;
 - матнни ўзгартириш.

- Ҳодисаларнинг фойдаланувчи қайта ишлагичлари:
 - ҳодисаларга қайта ишлагични қўшиш;
 - ҳодисалар қайта ишлагичини яратиш;
 - ҳодисалардан қайта ишлагични ўчириш.

A4 Маълумотларни қайта ишлаш

Ўқувчилар кодни яратишда маълумотларни қайта ишлаш техникасига эга бўлишлари лозим.

- Ўзгарувчилар ва константалар (дастур ва тизим томонидан аниқланувчи)
- Маълумотларнинг турлари:
 - бутун сон;
 - ўнлик сон;
 - кетма-кетлик;
 - белги;
 - валюта;
 - мантиқий қиймат;
 - сана/вақт.
- Декларация ва инициализация
- Масштаб ва кўринувчанлик:
 - очиқ;
 - хусусий;
 - маҳаллий;
 - глобал.

A5 Операторлар

Ўқувчилар кодни ишлаб чиқишда операторларни танлаш ва қўллаш имкониятига эга бўлишлари лозим:

- арифметик;
- боғланган;
- мантиқий;
- конкатенация.

А6 Интеграциялашган ишлаб чиқиш муҳитидан (ИИМ) фойдаланиш

Ўқувчилар интеграциялашган ишлаб чиқиш муҳитининг ўзига хос хусусиятларини тушунишлари ва ундан ҳодисавий дастурлаш тилида дастурни яратиш учун фойдаланишни билишлари лозим.

- матн муҳаррири;
- созловчи (Отладчик);
- тузувчи (Компилятор);
- кодлашни якунлаш функцияси;
- Интерфейс:
 - ишлаб чиқишнинг ускунавий воситалари;
 - ускуналар панели;
 - меню;
 - лойиҳалар:
 - лойиҳаларнинг турлари (шакл, консол асосида);
 - янги лойиҳани яратиш;
 - лойиҳани импорт қилиш;
 - навигация ва сақлаш;
 - лойиҳага файлларни қўшиш;
 - ресурслар (расмлар, овозли файллар).
- лойиҳани ёпиш.

А7 Ҳодисавий дастурлаш тилида ишлаб чиқилган дастурни синовдан ўтказиш

Ўқувчилар ечимнинг функционаллигини текшириш учун мос синов ва синов маълумотларини танлаш имкониятига эга бўлишлари лозим.

- Идентификацияланган синов мақсадини тавсифланг.
- Қўлланиладиган синов маълумотларини аниқланг, хусусан:
 - ҳақиқий синов маълумотлари – дастур қабул қилиши лозим бўлган маълумотлар;
 - ҳақиқий экстремум – ҳақиқий ҳисобланган, лекин чегарада жойлашган маълумотлар;
 - нотўғри – дастур қабул қилиши керак бўлмаган маълумотлар;
 - рухсат этилмаган экстремум – нормал ҳисобланган, лекин рухсат этилган маълумотлар доирасидан чиқадиган маълумотлар;
 - хато – нотўғри турдаги маълумотлар.
- Ҳар бир синов учун дастлабки шароитларни аниқланг (синовни ўтказишдан олдин нималар бажарилиши лозим).
- Синовдан кутилаётган натижаларни тавсифланг.

- Ҳақиқий натижаларни киритиш учун функционаллик синовини ўтказинг ва режани янгиланг:
 - киритилган ўзгаришларни тушунтиринг;
 - қўлланилувчи синовни такрорланг ва аниқлик киритилган кодни қайта синовдан ўтказинг.

В ўқитиш мақсади: Компьютер дастурларини объектга йўналтирилган тилда ишлаб чиқиш ва синовдан ўтказиш

В1 Кодлаш ва концепциянинг умумий атамалари

Ўқувчилар кодлаш ва концепциянинг умумий атамаларини тушуниш ва қўллашни билишлари лозим.

- Объектга йўналтирилган дастурлашнинг асосий тушунчалари:
 - абстракция, масалан, маълумотларни яшириш;
 - усуллар, масалан, тартиб-таомиллар, функциялар, аргументлар;
 - синфлар, масалан, конструкторлар, деструкторлар, абстракт синфлар;
 - инкапсуляция, масалан, давлат, хусусий, қўриқланадиган объектлар;
 - ворислик, масалан, қуйи синфлар, усулни қайта белгилаш, кенгайтириш, ворисликка давлат ва хусусий секторларнинг таъсири;
 - объектлар, масалан, нусханинг ўхшашлиги, ҳолати, хатти-ҳаракати;
 - полиморфизм, масалан, усулни қўп бора амалга ошириш.
- Бошқа таянч атамалар ва концепциялар:
 - ассоциация;
 - агрегирлаш;
 - олдиндан белгиланган синфлар:
 - синфларнинг кутубхонаси;
 - импорт қилинган;
 - юклаб олинган.
 - қуйи синф;
 - супер синф;
 - вақтинча объект.

В2 Ўзгарувчилар ва усуллар

Ўқувчилар кодни яратишда ўзгарувчилар ва усулларни тушуниш ва қўллашни билишлари керак.

- Ўзгарувчи турларнинг асосий хусусиятлари:
 - глобал;
 - маҳаллий;
 - очик;
 - хусусий.

- Ўзгарувчилар ва синф усуллари:
 - синф ўзгарувчилари
 - хатти-ҳаракат;
 - улар қаерда содир бўлмоқда.
 - синф усуллари
 - хатти-ҳаракат;
 - улар таъсир кўрсатаётган дастурлаш элементлари;
 - чекловлар.
- Нусханинг ўзгарувчилари ва усуллари:
 - нусханинг ўзгарувчилари
 - хатти-ҳаракат;
 - улар қаерда содир бўлмоқда.
 - нусха усуллари
 - хатти-ҳаракат;
 - улар таъсир кўрсатаётган дастурлаш элементлари;
 - чекловлар.

В3 Объектга йўналтирилган дастурлаш тилида ишлаб чиқилган иловаларнинг синтаксис элементлари

Ўқувчилар кодни яратишда синтаксиснинг турли элементларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлишлари лозим.

- Синфлар:
 - синфларни эълон қилиш;
 - олдиндан белгиланган синфлар;
 - эълон қилиш усуллари;
 - белгиловчи усуллар;
 - юқори юкланиш усуллари;
 - конструкторлар;
 - деструкторлар.
- Объектлар:
 - объектларни яратиш (инициализация);
 - объектлардан фойдаланиш;
 - объектлардан такроран фойдаланиш.
- Ворислик:
 - кўп ворислилик;
 - усулларни қайта белгилаш ва яшириш;
 - полиморфизм;
 - абстракция усуллари.

- Ўзгарувчилар:
 - объект (синф нусхаси) ўзгарувчилари;
 - синф ўзгарувчилари;
 - локал ўзгарувчилар;
 - параметрлар.
- Операторлар:
 - арифметик;
 - боғланган;
 - мантиқий;
 - конкатенация.

В4 Объектга йўналтирилган дастурлаш тилида дастурни ишлаб чиқиш ва синовдан ўтказиш

Ўқувчилар объектга йўналтирилган дастурлаш тилида дастурни ишлаб чиқиш ва синовдан ўтказишни билишлари лозим.

- Ҳодисавий дастурлаш тилида дастурлашда фойдаланилган ёндашувни қўллаган ҳолда дастур ишлаб чиқиш учун IDE (Integrated development environment – интеграциялашган ишлаб чиқишнинг муҳити) дан фойдаланинг.
- Худди ҳодисавий дастурлашга қўлланилган ёндашувдан фойдаланиб дастурни синовдан ўтказиш.

С ўқитиш мақсади: Турли дастурлаш тилларининг асосий хусусиятларини тушуниш

С1 Ҳодисавий дастурлашнинг асосий хусусиятлари

Ўқувчилар ҳодисавий дастурлашнинг асосий хусусиятларини, шунингдек, уларнинг бошқа ёндашувлар билан таққослагандаги афзалликлари ва камчиликларини билишлари лозим.

- Асосий хусусиятлар:
 - ҳодисалар цикли;
 - ҳодисаларнинг юзага келиши;
 - ҳодисаларнинг кетма-кетлиги;
 - ҳодисалар диспетчери;
 - ҳодисалар қайта ишлагичлар ва тингловчилар;
 - ҳодисалар узилишларга қарши;
 - «Юқоридан пастга» – ёндашуви.

- Афзалликлари:
 - бошқа дастурлаш тилларига қараганда ўрганиш осон;
 - ишлаб чиқиш осон, чунки функционаллик кўп сонли ҳодисаларни дастурлаш орқали қўшилиши мумкин;
 - мослашувчан, чунки дастур коди мантиқий тартибда бошидан охирига қараб боради, оқим эса ҳодисалар билан аниқланади.
- Камчиликлар:
 - Ҳодисаларга ишлов бериш цикли доим илованинг фон режимида ишлайди ва кўплаб тизим ресурсларидан фойдаланади;
 - бошқа тилга ўтказиш жуда мураккаб;
 - дастурнинг бажарилишини сошлаш қийинроқ.

С2 Объектга йўналтирилган дастурлашнинг асосий хусусиятлари

Ўқувчилар объектга йўналтирилган дастурлашнинг асосий хусусиятларини, шунингдек, уларнинг бошқа ёндашувлар билан таққослагандаги афзалликлари ва камчиликларини билишлари лозим.

- Асосий хусусиятлар:
 - дастурий мантиқнинг кўп марталик модуллари;
 - объектлар идентификацияси;
 - маълумотлар абстракцияси;
 - модуллиқ;
 - таснифланиш;
 - ворислик;
 - полиморфизм;
 - инкапсуляция;
 - синфлар;
 - усуллар;
 - юқорига қараб таҳлил қилиш тамойили.
- Афзалликлари:
 - носозликларни бартараф этишни соддалаштирувчи дастурлар учун модулли тузилма мавжуд;
 - объектлар такроран ишлатилиши мумкин, шу сабабли камроқ кодлаш талаб этилади.
- Камчиликлар:
 - дастурлар катта ва у бошқа тилларга қараганда кўпроқ вақт эгаллаши мумкин;
 - дастурларни ишлаб чиқиш учун малаканинг янада юқори даражаси талаб этилади.

С3 Таомилли дастурлашнинг асосий хусусиятлари

Ўқувчилар таомилли дастурлашнинг асосий хусусиятларини, шунингдек, уларнинг бошқа ёндашувлар билан таққослагандаги афзалликлари ва камчиликларини билишлари лозим.

- Асосий хусусиятлар:
 - процедуралар;
 - функциялар;
 - қайта белгиланган функциялар;
 - локал ўзгарувчилар;
 - глобал ўзгарувчилар;
 - параметрларни узатиш;
 - модуллилик;
 - «Юқоридан пастга» ёндашуви.
- Афзалликлари:
 - объектга йўналтирилган дастурлаш тилларига қараганда кодлаш осон;
 - ҳодисавий дастурлаш тилларига нисбатан камроқ хотира талаб этилади.
- Камчиликлар:
 - ишлаб чиқувчилар коддан такроран фойдалана олмайдилар;
 - қўлланилиш соҳасини кенгайтириш мушкул;
 - қўллаб-қувватлаш қийин.

Модулнинг қисқача тавсифи

Ўқитиш мақсади	Мазмуннинг асосий бандлари	Баҳоли ёндашув
A Ҳодисалар тилида компьютер дастурини ишлаб чиқиш ва синовдан ўтказиш	A1 Ҳодисалар A2 Ҳодисаларни бошқариш элементлари ва объектлар A3 Ҳодисаларни қайта ишлагичлар A4 Маълумотларни қайта ишлаш A5 Операторлар A6 Интеграциялашган ишлаб чиқиш муҳити (ИИМ) дан фойдаланиш A7 Ҳодисавий дастурлаш тилида ишлаб чиқилган дастурни синовдан ўтказиш	Ҳар бир дастурлаш тилидаги иш дастури. Синов натижалари ва ишлаб чиқиш жараёнида амалга оширилган ҳар қандай аниқликларни ўз ичига олувчи, синов бўйича ҳужжатлар.
B Компьютер дастурларини объектга йўналтирилган тилда ишлаб чиқиш ва синовдан ўтказиш	B1 Кодлаш ва концепциянинг умумий атамалари B2 Ўзгарувчилар ва усуллар B3 Объектга йўналтирилган дастурлаш тилида ишлаб чиқилган иловалар синтаксиси элементлари B4 Объектга йўналтирилган дастурлаш тилида дастурни ишлаб чиқиш ва синовдан ўтказиш	
C Турли дастурлаш тилларининг асосий хусусиятларини тушуниш	C1 Ҳодисавий дастурлашнинг асосий хусусиятлари C2 Объектга йўналтирилган дастурлашнинг асосий хусусиятлари C3 Таомилли дастурлашнинг асосий хусусиятлари	Муайян вазифа учун ҳар бир дастурлаш тилининг яроқлилигини таққослаш.

Ўқитувчилар ва имтиҳон олувчилар учун қўшимча маълумот

Ресурсларга талаблар

Ушбу модул учун ўқувчилар Windows, Linux, Apple Macintosh OS X, Apple iOS ёки бошқа мос платформали ШК дан фойдаланиш имкониятига эга бўлишлари лозим.

Ўқувчилар мазкур модулда муваффақиятга эришишларида барча имкониятларга эга бўлишлари учун улар марказ томонидан танланган, дастур тилларида ёзилишга, таҳрирланишга ва синовдан ўтказилишга мос бўлган, камида битта IDE (интеграциялашган ишлаб чиқиш муҳити) муҳитидан тўлиқ фойдаланиш талаб этилади.

Ўқувчилар ўзларининг назарий билимлари ва тушунчаларини амалиётда қўллай олишлари учун уларга замонавий ва мос компьютер қурилмаларини тақдим этиш зарур бўлади.

Ечимларни баҳолаш учун зарур маълумот

А ўқитиш мақсади

Ўқувчилар мижознинг талабларига жавоб берадиган компьютер дастурини ишлаб чиқишлари учун ҳодисавий дастурлаш тилидан фойдаланишлари лозим. Компьютер дастури функционал бўлиши ва фойдаланувчиларнинг оддий хатоларини узилишларсиз қайта ишлаши керак.

Ўқувчилар ҳодисавий дастурлаш тилида ишлаб чиқилган дастурнинг функционал, ишончли ва ўрнатилган тартибларга мувофиқлигига ишонч ҳосил қилишлари учун уни синовдан ўтказганликларини кўрсатишлари лозим. Синов бўйича ҳужжатлар, қўлланиладиган синов маълумотларининг барча турларини кўрсатиб берувчи бир қатор синовларни ўз ичига олиши керак.

Ўқувчилар ўтказилган синов натижасида ҳодисавий дастурлаш тилида ишлаб чиқилган дастурни такомиллаштирганликларини кўрсатиб беришлари лозим.

В ўқитиш мақсади

Ўқувчилар мижознинг талабларига жавоб берадиган компьютер дастурини ишлаб чиқишлари учун объектга йўналтирилган дастурлаш тилидан фойдаланишлари лозим. Компьютер дастури функционал бўлиши ва фойдаланувчиларнинг оддий хатоларни узилишларсиз қайта ишлаши керак.

Ўқувчилар объектга йўналтирилган дастурлаш тилида ишлаб чиқилган дастурнинг функционал, ишончли ва ўрнатилган тартибларга мувофиқлигига ишонч ҳосил қилишлари учун уни синовдан ўтказганликларини кўрсатишлари лозим. Синов бўйича ҳужжатлар, қўлланиладиган синов маълумотларининг барча турларини кўрсатиб берувчи бир қатор синовларни ўз ичига олиши керак.

Ўқувчилар ўтказилган синов натижасида объектга йўналтирилган дастурни такомиллаштирганликларини кўрсатишлари лозим.

С ўқитиш мақсади

Ўқувчилар мижознинг эҳтиёжларини қондириш учун тамойилли, ҳодисавий ва объектга йўналтирилган дастурлаш тилларининг яроқлилигини таққослашлари лозим.

Таққосламаларида улар мижознинг талабларини қондириш учун дастурлаш тилининг ҳар бири қай даражада унумли қўлланилиши мумкинлигига шарҳ беришлари лозим.

Бошқа модулларга ҳаволалар

Мазкур модул *1-модул: Дастурлашга кириш* тавсифланган тамойилли дастурлаш билимлари ва кўникмаларига асосланган.

5-модул: Веб-иловалар учун маълумотлар базасини ишлаб чиқиш

Ўзбекистон Даража: 4

Модул тури: **Ички баҳолаш**

Ўқув соатлари: **120**

Модул билан танишиш

Веб-иловалар кўплаб корхоналарда ўзлари ва уларнинг мақсадли аудиторияси орасидаги транзакцияларни бошқариш учун қўлланилади. Бироқ, транзакциялар корхона зарур маълумотларни ишончли белгилаш ва сақлаш, уларни қайта ишлаш ва натижаларни фойдаланувчига самарали тақдим этиш имкониятига эга бўлган тақдирдагина самарали ҳисобланади.

Сервер сценарийлари мижозлар сценарийлари (JavaScript ва HTML) фойдаланувчиларга маълумотларни тақдим этиш учун қўлланилаётган бир вақтда реляцион маълумотлар базасидаги маълумотни сақлаш ва чиқариб олиш учун ишлатилиши мумкин. Ушбу комбинация фойдаланувчиларга бизнес билан, масалан, онлайн-шакллар, контентни бошқариш тизимлари, саватлар ва ҳ.к. билан ўзаро муносабатда бўлиш имконини беради.

Ушбу модул реляцион маълумотлар базаси, сервер технологиялари ва веб-иловаларни ишлаб чиқиш учун сервер томонида сценарийларни қўллаш имкониятига бағишланган.

Ўқувчилар веб-иловани қуриш мумкин бўлган мос технологик стекни танлаш тўғрисида, интерфейсли ва ички лойиҳалаштириш ҳамда ишлаб чиқиш орасидаги фарқ тўғрисида, функционалликни қандай синовдан ўтказиш ва ҳужжатлаштириш, шунингдек, мижознинг эҳтиёжлари қай даражада қондирилганлиги нуқтаи назаридан дизайн ва якуний веб-иловани қандай кўриб чиқиш тўғрисида билиб оладилар.

Ўқитиш мақсадлари ва баҳолаш мезонлари

Ушбу модулни ўтиш учун ўқувчилар муайян мезонларга мос келишлари шарт. Натижага эришиш учун зарур бўлган баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилган стандартга мувофиқ белгиланади.

Ўқитиш мақсади		Баҳолаш мезонлари	
A	Мижознинг талабларини қондириш учун реляцион маълумотлар базасидан фойдаланувчи хавфсиз веб-иловани ишлаб чиқиш	A.P1	Веб-илова учун ташқи интерфейс яратиш
		A.P2	Веб-илова учун ички интерфейс яратиш
B	Мижознинг талабларини қондириш учун реляцион маълумотлар базасидан фойдаланувчи хавфсиз веб-иловани яратиш	B.P1	Веб-илованинг ташқи интерфейсини жорий этиш
		B.P2	Веб-илованинг ички интерфейсини жорий этиш
C	Реляцион маълумотлар базасидан фойдаланувчи веб-илова иш фаолиятини тестдан ўтказиш	C.P1	Веб-илованинг функционаллигини текшириш учун синов ўтказиш режасини яратиш.
		C.P2	Функционалликни синовдан ўтказиш ва ҳужжатлаштириш
D	Реляцион маълумот базасидан фойдаланувчи веб-илова учун фойдаланувчи ва техник ҳужжатларни тузиш	D.P1	Илк фойдаланувчига веб-иловадан қандай фойдаланиш ва кенг тарқалган хатоликлар юзага келган тақдирда нима қилиш кераклигини кўрсатувчи – фойдаланувчи қўлланмасини тайёрлаш
		D.P2	Малакали мутахассисга веб-иловани қандай қўллаб-қувватлаш кераклигини кўрсатувчи техник қўлланма тайёрлаш
E	Веб-иловани кўздан кечириш	E.P1	Якунланган веб-илованинг мижоз талабларига қанчалик мувофиқлигини баҳолаш

Мазмуни

А ўқитиш мақсади: Мижознинг талабларини қондириш учун реляцион маълумотлар базасидан фойдаланувчи хавфсиз веб-иловани ишлаб чиқиш

А1 Технологик мажмуа

Ўқувчилар технологик стекни тушунишлари ва веб-иловани ишлаб чиқиш учун қўлланиладиган ускуналар тўпламини ҳамда муҳитини танлашни билишлари лозим.

- Ташқи ёки мижозли (HTML, CSS, JavaScript):
 - Bootstrap;
 - Foundation;
 - AngularJS;
 - React;
 - Vue.js.
- Ички ёки серверли:
 - операцион тизим, масалан, Linux, Windows, Mac OS;
 - веб-сервер, масалан, Apache, nginx, Microsoft IIS, Litespeed;
 - маълумотлар базаси, масалан, MySQL, PostgreSQL, Microsoft SQL Server, SQLite;
 - дастурлаш тили, масалан, Java, JavaScript, Ruby, Python, PHP, C#;
 - веб-ишлаб чиқиш муҳити, масалан Node.js (JavaScript), Ruby on Rails (Ruby), Django (Python), Laravel (PHP), .NET (C #), Spring MVC (Java).

А2 Саҳифа дизайни

Ўқувчилар мижознинг талабларига мувофиқ веб-илова саҳифаларининг дизайнини яратишни билишлари лозим, хусусан саҳифаларнинг андозаларини ўз ичига олган ҳолда:

- саҳифанинг мақсади;
- шакллар;
- киритишни бошқариш элементлари, масалан:
 - тугмалар;
 - матнли майдонлар;
 - байроқчалар;
 - радиотугмалар;
 - ўзи чиқувчи рўйхат;
 - ўтказгичлар;
 - сана майдони.

- сигналлар, масалан, юлдузчалар, ёрдамчи белгилар, йўриқномалар;
- ҳар бир саҳифада бўлиши мумкин бўлган экранлар (ёки ҳолатлар);
- натижаларни тақдим этиш.

А3 Маълумотларни моделлаштириш ва реляцион маълумотлар базаси

Ўқувчилар мижозларнинг талабларига жавоб берадиган серверли реляцион маълумотлар базасини ишлаб чиқиш учун реляцион маълумотлар базасини моделлаштириш усуллари қўллашни билишлари лозим.

- Реляцион маълумотлар базасини моделлаштириш қуйидагиларни ўз ичига олади:
 - Объектлар муносабатларининг диаграммаси (ERD (Entity Relationship Diagram)):
 - объект;
 - муносабатлар;
 - муносабатларнинг турлари.
 - нормаллаштириш:
 - биринчи нормал шакл (1NF);
 - иккинчи нормал шакл (2NF);
 - учинчи нормал шакл (3NF).
 - якуний (ERD):
 - объект;
 - муносабатлар;
 - муносабатларнинг турлари;
 - калитлар (якка бирламчи, таркибий бирламчи, ташқи);
 - атрибутлар.
- Маълумотлар базасининг тузилмаси қуйидагиларни ўз ичига олади:
 - жадваллар ва майдонларнинг номи учун SQL номлари тўғрисида келишувлардан фойдаланиш
 - жадваллар:
 - кўплик ҳисобланмайдиган жамоавий номдан фойдаланинг, масалан «талабалар» эмас «талаба»;
 - «tbl» префикси ёки бошқа шу каби тавсифловчи префикслардан фойдаланманг;
 - ҳеч қачон жадвалга унинг майдонларидан бирига бириктирилган номни бириктирманг;
 - муносабатлар жадвали номини яратиш учун иккита жадвал номини бирлашиб кетишининг олдини олинг, масалан, 'order_product'.

- майдонларнинг номлари
 - имкон қадар, «id» дан жадвал учун асосий идентификатор сифатида фойдаланилишига йўл қўйманг;
 - жадвалдаги каби номли майдон қўшманг;
 - доим сатрли ҳарфлардан фойдаланинг;
 - бўш жой табиий равишда юзага келадиган жойларда остки чизиқдан фойдаланинг, масалан, `date_of_birth`.
- SQL маълумотларининг умумий турларидан фойдаланинг:
 - аниқ рақамли қиймат (`int`, `smallint`, `decimal`, `numeric`, `money`);
 - тахминий рақамли қиймат (сузувчи нуқта билан, `реал`);
 - сана ва вақт (`datetime`, `smalldatetime`, `date`, `time`);
 - белгилар сатри (`char`, `varchar`, `text`).
- калитларни кўрсатиш:
 - битта асосий;
 - таркибий бирламчи;
 - ташқи.
- майдонни тасдиқлаш:
 - форматини текшириш;
 - узунлигини текшириш;
 - мавжудлигини текшириш;
 - диапазонини текшириш;
 - излашни текшириш.

A4 Маълумотларни ишлаб чиқиш дизайни

Ўқувчилар мижознинг талабларига мувофиқ веб-илованинг сервер функционалигини ишлаб чиқиш имкониятига эга бўлишлари лозим.

- киритишни текшириш:
 - форматини текшириш;
 - узунлигини текшириш;
 - мавжудлигини текшириш;
 - диапазонини текшириш.
- икки марта киритиш каби, масалан паролда хатоликларнинг йўқлигини уларни таққослаш йўли билан маълумотларни текшириш;
- Тегишлилигига қараб алгоритмлар ёрдамида ҳужжатлаштириш (блок-схемалар ва / ёки псевдокод);

- SQL (DML) маълумотларни бошқариш тили ёрдамида маълумотларни бошқариш:
 - командалар;
 - тузатишлар;
 - операторлар;
 - агрегат функциялар;
 - нолли функциялар;
 - сатрли функциялар;
 - сана функциялари;
 - сўровлар:
 - маълумотларни чиқариб олиш учун битта ёки бир нечта жадваллардан фойдаланган ҳолда сўровларни танланг;
 - ҳаракатлар тўғрисида сўровлар;
 - ҳисоблаб чиқилган сўровлар.
- Хавфсизлик:
 - SQL-инъекциялардан ҳимоя;
 - маълумотларни тозалаш;
 - шифрлаш / паролларни хешлаш;
 - тайёрланган ҳисоботлар.

В ўқитиш мақсади: Мижознинг талабларини қондириш учун реляцион маълумотлар базасидан фойдаланувчи хавфсиз веб-иловани яратиш

В1 Веб-илованинг ташқи интерфейсини яратиш

Ўқувчилар мижознинг талабларига мувофиқ саҳифа яратиш учун танланган муҳит ва шахсий дизайндан фойдаланиб, веб-илованинг интерфейсини ишлаб чиқиш имкониятига эга бўлишлари лозим. (Ушбу босқичда сервер томонидаги функционаллик талаб этилмайди.)

- Фойдаланувчи киритиши учун саҳифаларни яратиш:
 - шакллар;
 - киритишни бошқариш элементлари, масалан:
 - тугмалар;
 - матн майдонлари;
 - байроқлар;
 - радиотугмалар;
 - ўзи очиладиган рўйхатлар;
 - ўтказгичлар;
 - сана майдони.
 - сигналлар, масалан, юлдузчалар, ёрдамчи белгилар, йўриқномалар.

- Ҳар бир саҳифада бўлиши мумкин бўлган экранларни (ёки ҳолатларни) яратиш.
- Натижаларни тақдим этиш учун саҳифаларни яратиш.

В2 Реляцион маълумотлар базаси тузилиши

Ўқувчилар мижознинг талабларини қондиришлари учун маълумотлар базасининг якуний ERD ва тузилмаси асосида реляцион маълумотлар базасини яратиш имкониятига эга бўлишлари лозим.

- Маълумотлар базасини яратиш ва номлаш.
- Жадвалларни яратиш ва номлаш.
- Майдонларнинг номларини кўрсатиш.
- Маълумотлар турларини кўрсатиш:
 - аниқ рақамли қиймат (int, smallint, decimal, numeric, money);
 - тахминий рақамли қиймат (сузувчи нуқта билан, реал);
 - сана ва вақт (datetime, smalldatetime, date, time);
 - белгилар сатри (char, varchar, text).
- Калитларни кўрсатиш:
 - битта асосий;
 - таркибий бирламчи;
 - ташқи.
- Майдонларни текшириш:
 - форматини текшириш;
 - узунлигини текшириш;
 - мавжудлигини текшириш;
 - диапазонини текшириш;
 - излашни текшириш.
- Алоқаларни яратиш.
- Мурожаат бутунлигини таъминлаш.
- Маълумотларни импорт қилиш:
 - .txt;
 - .csv.

В3 Ички ва ташқи интерфейсни ишлаб чиқиш

Ўқувчилар мижознинг талабларини қондиришда ташқи ва ички интерфейс ҳамда веб-илова ўртасида ўзаро муносабатларни яратиш учун сервер томонидаги сценарийлар тили ва SQL (DML) маълумотларни бошқариш тилидан фойдаланиш имкониятига эга бўлишлари лозим.

- Сервер тилида дастурлаш:
 - маълумотларга ва маълумотларнинг тузилмасига ишлов беришнинг умумий усулларида фойдаланиш;
 - арифметик операцияларни ўтказиш;
 - бошқарув тузилмаларидан фойдаланиш (кетма-кетлик, танлов ва итерация (такрорланиш));
 - ўрнатилган функциялар ва кутубхоналардан фойдаланиш;
 - математик функциялардан фойдаланиш;
 - сатрларга ишлов бериш функцияларидан фойдаланиш;
 - рўйхатдаги / массивдаги маълумотларни қайта ишлаш учун функциялардан фойдаланиш.
- Маълумотларни текшириш:
 - форматини текшириш;
 - узунлигини текшириш;
 - мавжудлигини текшириш;
 - диапазонини текшириш.
- Икки марта киритиш каби, масалан паролда хатоликларнинг йўқлигини уларни таққослаш йўли билан маълумотларни текшириш.
- SQL (DML) маълумотларни бошқариш тили ёрдамида маълумотларга ишлов бериш:
 - командалар;
 - тузатишлар;
 - операторлар;
 - агрегат функциялар;
 - нолли функциялар;
 - сатрли функциялар;
 - сана функциялари;
 - сўровлар:
 - маълумотларни чиқариб олиш учун битта ёки бир нечта жадваллардан фойдаланган ҳолда сўровларни танланг;
 - ҳаракатлар тўғрисида сўровлар;
 - ҳисоблаб чиқилган сўровлар.

- Хавфсизликни ишлаб чиқиш:
 - SQL-инъекциялардан ҳимоя;
 - маълумотларни тозалаш;
 - шифрлаш / паролларни хешлаш;
 - тайёрланган ҳисоботлар.

С ўқитиш мақсади: Реляцион маълумотлар базасидан фойдаланувчи веб-илова иш фаолиятини тестдан ўтказиш

С1 Синов режасини тузиш

Ўқувчилар ечимнинг функционаллигини текширишлари учун мос синов ва синов маълумотларини танлаш имкониятига эга бўлишлари лозим.

- Идентификацияланган синов мақсадини тавсифланг.
- Қўлланиладиган синов маълумотларини аниқланг, хусусан:
 - ҳақиқий синов маълумотлари – дастур қабул қилиши лозим бўлган маълумотлар;
 - ҳақиқий экстремум – ҳақиқий ҳисобланган лекин рухсат этилган чегарада жойлашган маълумотлар;
 - нотўғри – дастур қабул қилмаслиги лозим бўлган маълумотлар;
 - рухсат этилмаган экстремум – ҳақиқий ҳисобланган лекин рухсат этилган чегаранинг ташқарисида жойлашган маълумотлар / кировчи маълумотлар;
 - хато – нотўғри турдаги маълумотлар.
- Ҳар бир синов учун дастлабки шароитларни аниқланг (синовни ўтказишдан аввал нима бажарилган бўлиши лозим).
- Синовдан кутилаётган натижаларни тавсифланг.

С2 Веб-илованинг иш қобилиятини текшириш

Ўқувчилар функционалликни синовдан ўтказиш ва натижаларни ҳужжатлаштириш имкониятига эга бўлишлари керак.

- Ҳақиқий натижаларни киритиш учун режани янгилаш:
 - қўлланилиш жойига қараб далилларни трафарет кўринишида чоп этиш;
 - киритилган ўзгаришларни тушунтириш;
 - такрорий синовнинг санаси (қўлланилиши мумкин бўлса).

D ўқитиш мақсади: Реляцион маълумот базасидан фойдаланувчи веб-илова учун фойдаланувчи ва техник ҳужжатларни тузиш

D1 Фойдаланувчи ёки техник қўлланмани яратиш

Ўқувчилар фойдаланувчи ва техник қўлланмани ёзишда инobatга олишлари лозим бўлган асосий омилларни ва қўлланмани ёзишда уларни қўллашни тушунишлари керак.

- Фойдаланувчи қўлланмаси:
 - фойдаланувчилар бошланғич, ўрта даражали, эксперт бўлади;
 - фойдаланувчилар нималарни билишлари керак, масалан:
 - иловадан қандай фойдаланиш;
 - хатоларни қандай тузатиш / носозликларни бартараф қилиш.
 - маълумотни фойдаланувчи учун мантиқий ва қулай усулда қандай тузиш;
 - жаргондан йироқ бўлиш ва техник тил даражасининг фойдаланувчи турига мувофиқлигининг муҳимлиги.
- Техник қўлланма:
 - техник қўлланманинг мақсади;
 - техник қўлланма фойдаланувчилари:
 - ташқи интерфейс веб-ишлаб чиқувчиси;
 - ички интерфейс веб-ишлаб чиқувчиси;
 - маълумотлар базаси маъмури;
 - маълумотлар базаси ишлаб чиқувчиси.
 - фойдаланувчилар иловани қўллаб-қувватлашлари учун нималарни билишлари керак:
 - маълумотларга ишлов бериш учун реляцион маълумотлар базаси ва SQL тузилмаси;
 - веб-илова тузилмаси.

- Қўлланмаларнинг тақдироти:
 - маълумотни фойдали ва ўқилувчан қилишнинг турли усуллари, масалан:
 - мундарижа саҳифаси;
 - кириш;
 - бўлимлар ва сарлавҳалардан фойдаланиш;
 - саҳифаларни рақамлаш;
 - трафаретли чоп этиш;
 - кўп бериладиган саволлар;
 - изоҳли луғат.
 - маълумот қандай форматда бўлиши лозим, масалан, жисмоний ёки .pdf (электрон).

Е ўқитиш мақсади: Веб-иловани кўздан кечириш

Е1 Веб-иловани кўриб чиқиш

Ўқувчилар веб-илованинг мижоз талабларига қай даражада яхши эканлигини баҳолаш ҳолатида бўлишлари лозим, хусусан:

- у белгиланган мақсадга қанчалик мос келади;
- унинг кучли томонлари ва амалга оширилиши мумкин бўлган ҳар қандай такомиллаштиришлар.

Модулнинг қисқача тавсифи

Ўқитиш мақсади	Мундарижанинг асосий бандлари	Баҳолашга ёндашиш
A Мижознинг талабларини қондириш учун реляцион маълумотлар базасидан фойдаланувчи хавфсиз веб-иловани ишлаб чиқиш	A1 Технологик мажмуа A2 Саҳифа дизайни A3 Маълумотларни моделлаштириш ва реляцион маълумотлар базаси A4 Маълумотларни ишлаб чиқиш дизайни	Мижознинг талабларига мувофиқ веб-иловани кўрсатувчи лойиҳа ҳужжатлари. Бу саҳифанинг дизайни, реляцион маълумотлар базаси ва маълумотларга ишлов бериш дизайнини ўз ичига олади
B Мижознинг талабларини қондириш учун реляцион маълумотлар базасидан фойдаланувчи хавфсиз веб-иловани яратиш	B1 Веб-илованинг ташқи интерфейсини яратиш B2 Реляцион маълумотлар базаси тузилиши B3 Ички ва ташқи интерфейсни ишлаб чиқиш	Нусха ёки ишчи веб-иловасига ҳавола. Барча киритилган ўзгаришлар билан бирга синов режаси ва синов натижаларини ўз ичига оловчи синов ўтказиш бўйича ҳужжатлар
C Реляцион маълумотлар базасидан фойдаланувчи веб-илова иш фаолиятини тестдан ўтказиш	C1 Синов режасини тузиш C2 Веб-илованинг иш қобилиятини текшириш	
D Реляцион маълумот базасидан фойдаланувчи веб-илова учун фойдаланувчи ва техник ҳужжатларни тузиш	D1 Фойдаланувчи ёки техник қўлланмани яратиш	Тизимни қандай ишлатиш ва қўллаб-қувватлашни кўрсатадиган фойдаланувчи ва техник қўлланманинг PDF-версияси
E Веб-иловани кўздан кечириш	E1 Веб-иловани кўриб чиқиш	Якунланган веб-илованинг мижоз талабларига қанчалик мос эканлигини кўриб чиқиш

Ўқитувчилар ва имтиҳон олувчилар учун қўшимча маълумот

Ресурсларга талаблар

Ушбу модул учун ўқувчилар реляцион маълумотлар базасидан фойдаланувчи веб-иловани лойиҳалаштириш, яратиш ва синовдан ўтказишга имкон берадиган ресурслардан фойдаланиш учун рухсатга эга бўлишлари лозим. Ресурслар қуйидагиларни ўз ичига олишлари лозим:

- мос матн муҳарририни;
- ташқи интерфейс платформасини;
- ички интерфейс платформи ва ускуналарни;
- унумдорликни ошириш учун офис дастурий таъминоти (масалан, Microsoft Word).

Ечимларни баҳолаш учун зарур маълумот

Ўқувчилар мижоз томонидан белгиланган талаблар учун реляцион маълумотлар базасидан фойдаланувчи веб-иловани лойиҳалаштириш, ишлаб чиқиш, синовдан ўтказиш ва режалаштириш далилларини тақдим этадилар.

А ўқитиш мақсади

Ўқувчиларнинг лойиҳалари веб-илова эгалик қиладиган ҳар бир саҳифа учун андозаларни ўз ичига олиши керак, хусусан: саҳифанинг мақсади, шакллари, киритишни бошқариш элементлари, кўрсатмалар, экранлар ёки ҳар бир саҳифа жойлашган ҳолатлар ва натижаларни тақдим этиш.

Ўқувчиларнинг ички дизайни қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

- объект муносабатларининг диаграммасини (ERD) ўз ичига олган ҳолда реляцион маълумотлар базасини моделлаштириш қисмлари, нормаллаштириш натижалари ва якуний ERD;
- реляцион маълумотлар базаси тузилмасининг қисмлари (жадвалларнинг номлари, майдонларнинг номлари, маълумотларнинг турлари, ишончлилики текшириш ва калитлар);
- маълумотларга ишлов бериш дизайни (киритишнинг тўғрилигини текшириш, маълумотлар, оқимли диаграммалар ва / ёки псевдокодларни текшириш, SQL ёрдамида маълумотлар лойиҳаларини бошқариш).

В ўқитиш мақсади

Ўқувчилар ўзлари томонидан ишлаб чиқилган дизайн асосида веб-иловани ишлаб чиқишлари ва синовдан ўтказишлари лозим. Улар танланган платформадан саҳифаларни яратиш, реляцион маълумотлар базасининг тузилмасини яратиш ва мижоз ҳамда сервер ўртасидаги ўзаро муносабатларни ривожлантиришда фойдаланадилар. Далиллар ишлайдиган веб-илованинг нусхаси ёки унга ҳаволани ўз ичига олиши лозим.

С ўқитиш мақсади

Ўқувчилар синов режасини туза олишларини кўрсатишлари, кейин маълумотлар базаси фаолият юритаётганлиги, ишончилиги ва ўрнатилган талабларга мувофиқлигига ишонч ҳосил қилиш учун синовларни ўтказишлари лозим. Синов бўйича ҳужжатлар қўлланилаётган синов маълумотларининг барча турларини кўрсатувчи бир қатор синовларни ўз ичига олиши лозим.

Д ўқитиш мақсади

Ўқувчилар веб-иловани ишлатиш ва хизмат кўрсатишни қўллаб-қувватлаш учун ҳужжатларни тақдим этишлари лозим. Бу фойдаланувчи қўлланмаси ва техник қўлланмани ўз ичига олади.

Иккала ҳужжат аниқ тақдим этилиши ва тахминий аудиторияга мувофиқ тилдан фойдаланиши лозим. Бу, масалан, фойдаланувчи қўлланмасида жаргон ва техник тилдан йироқ бўлиш кераклигини, техник қўлланмада эса малакали мутахассис веб-иловани қўллаб-қувватлаши учун етарли маълумот бўлиши лозимлигини англатади.

Е ўқитиш мақсади

Ўқувчилар ўзларининг веб-иловалари қанчалик мижоз талабларига мувофиқ эканлигини аниқлаш учун кўриб чиқишлари лозим.

Далиллар қуйидагиларнинг кўриб чиқилишини ўз ичига олишлари лозим: бу белгиланган мақсадга қанчалик мос келади; унинг кучли томонлари ва амалга оширилиши мумкин бўлган яхшиланишлари.

Бошқа модулларга ҳаволалар

Мазкур модул 3-модул: *Веб-сайт яратиш*.

6-модул: Рақамли графика ва анимация

Ўзбекистон Даража: 4

Модул тури: **Ички баҳолаш**

Ўқув соатлари: **60**

Модул билан танишиш

Рақамли графика ва анимация барча замонавий рақамли маҳсулотларнинг муҳим қисми ҳисобланади. Компьютер ўйинидаги персонаж, мобил телефон учун илова интерфейси ёки веб-сайтда маълумотларни тақдим этиш учун мўлжалланган схемалар бўлишидан қатъий назар, рақамли графика ва анимация рақамли маҳсулотнинг муваффақияти учун муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур модулда ўқувчилар графика ва анимациянинг тамойиллари тўғрисида билиб оладилар. Улар графиканинг турли вазиятларда қандай ишлатилишини ва турли хил услублар ва график хусусиятлари унинг ишлатилиши ва самарадорлигига қандай таъсир қилишини билиб оладилар.

Ўқувчилар ўрнатилган талабларга мувофиқ графика ва анимацияни қандай лойиҳалаштириш, яратиш ва таҳрирлашни, шунингдек, муайян мақсад учун графика яратишда қонунлар ва ахлоқий меъёрларга мувофиқ қандай ишлашни билиб оладилар.

Ўқитиш мақсадлари ва баҳолаш мезонлари

Ушбу модулни ўтиш учун ўқувчилар муайян мезонларга мос келишлари шарт. Натижага эришиш учун зарур бўлган баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилган стандартга мувофиқ белгиланади.

Ўқитиш мақсади		Баҳолаш мезонлари	
A	Рақамли маҳсулотларда графика ва анимациядан фойдаланиш таҳлили	A.P1	Муайян маҳсулотларда рақамли графика ва анимациядан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш.
		A.P2	Аниқланган рақамли графика ва анимация хусусиятларининг улардан фойдаланишга таъсирини тушунтириш.
B	Рақамли графика ва анимацияни ташкил этувчи элементлар	B.P1	Рақамли графика ва анимация учун дастлабки ғояларни яратиш.
		B.P2	Мижозларнинг талабларини қондириш мақсадида рақамли графика ва анимация учун батафсил лойиҳаларни яратишда дастлабки ғоялар ҳақидаги мулоҳазалардан фойдаланиш.
		B.P3	Дизайнни ишлаб чиқишда ҳуқуқий ва ахлоқий қарашлар қандай қўлланилганини тавсифлаш.
C	Белгиланган рақамли маҳсулот учун рақамли графика ва анимацияни яратиш	C.P1	Мижознинг талабларига мувофиқ рақамли графика ва анимация яратиш.

Мазмуни

А ўқитиш мақсади: Рақамли маҳсулотларда графика ва анимациядан фойдаланиш таҳлили

А1 Рақамли графиканинг функционал вазифаси

Ўқувчилар рақамли графика ва анимациянинг мақсадини тавсифлаш ҳолатида бўлишлари лозим.

- Рақамли графика ва анимация мақсадини аниқланг ва тавсифланг.
 - концепцияни тушунтиришда ёрдам бериш учун;
 - фойдаланувчи учун фойдалана олишни яхшилаш учун;
 - ресурс сифатида фойдаланиш учун (масалан, фойдаланувчи интерфейси учун тугма, компьютер ўйинидаги персонаж);
 - маълумотни узатиш учун;
 - кўнгилочар мақсадларда.
- Рақамли графика ва анимация учун тахминий аудиторияни тавсифланг.
- Рақамли графика ва анимацияни яратувчи турли элементлар қай тарзда уларга ўз мақсадларига эришишларида ёрдам беришини тавсифланг, шу жумладан:
 - матн қандай ишлатилиши:
 - қанча ишлатилиши;
 - тил содда ёки мураккаб ҳисобланадими;
 - техник атамалар қўлланиладими;
 - графиканинг бошқа элементларига нисбатан матн ҳажми қандай.
 - Услуб:
 - ҳаққоний/фотографик;
 - диаграмма;
 - мультипликация;
 - карта;
 - блок-схема;
 - 2D/3D.
 - ранг қандай ишлатилади;
 - кўринадиган қисмининг таркиби:
 - олд ва фон қисмдаги элементлар;
 - визуал иерархиядан фойдаланиш;
 - элементларни жойлаштириш (масалан, экрандан чап томонда, муайян элементларнинг ёнида).

- рақамли эффектлар қандай қўлланилади:
 - ювилиб кетиш;
 - айланиш;
 - сўниш;
 - шаффофлик / шаффоф эмаслик;
 - қайтариш;
 - ўтишлар;
 - қўчириш.

A2 Рақамли графика ва анимация параметрлари

Ўқувчилар рақамли графика ва анимация хусусиятини улардан фойдаланишга кўрсатаётган таъсирини тушунтира олиш ҳолатида бўлишлари лозим.

- Рақамли графика ёки анимациянинг турларини аниқланг:
 - растрли;
 - векторли.
- Растрли ва векторли графика ёки анимацияни ишлатишнинг одатий турларини тушуниш:
 - растрли (масалан, фотосуратлар, веб-сайт графикаси, босма реклама, қадоқ, компьютер ўйинлари ресурслари);
 - векторли (масалан, фойдаланувчи интерфейслари, логотиплар, расмлар, интерактив медиа-маҳсулотлар учун тугмалар, иконкалар, шрифтлар).
- Растрли графиканинг параметрларини аниқланг:
 - кенгайтма;
 - ўлчами;
 - бит чуқурлиги;
 - маълумотларни танлаб олиш интервали;
 - ранг режимлари;
 - файллар турлари;
 - сиқиш;
 - файлларнинг ҳажмлари.

- Векторли графиканинг параметрларини аниқланг:
 - графика қандай қурилади:
 - геометрик шакллар (нуқталар, линиялар, эгри чизиклар, полигонлар);
 - узеллар;
 - йўллар;
 - воксел.
 - файлларнинг турлари;
 - кенгая олиш қобилияти.
- График параметрларнинг таъсирини тушунтиринг:
 - маълумотни узатиш қай даражада самарали амалга оширилмоқда;
 - аудитория ва мақсадли аҳамият учун ўринлилиги;
 - фойдаланишда соддалиги;
 - маълумотнинг ўқилувчанлиги;
 - тасвирнинг сифати;
 - юкланиш вақти;
 - файл ҳажми;
 - мослиги.

В ўқитиш мақсади: Рақамли графика ва анимацияни ташкил этувчи элементлар

Ўқувчилар ушбу вазифага жавобан рақамли графика ва анимация яратишнинг батафсил режасини тузишлари лозим.

В1 Муаммони аниқлаш

- Мавжуд ўхшаш маҳсулотларни тадқиқ этинг ва илғор амалиётнинг умумий тенденциялари ва мисолларини аниқланг.
- Бошқаларнинг фикр-мулоҳазаларини олиш учун дастлабки ғояларни ёзиб олинг:
 - кайфият тахталари;
 - мия ҳужуми;
 - қисқа тавсифи.

B2 Рақамли графика ва анимация бўйича лойиҳа ҳужжатлари

Ўқувчилар лойиҳалаш жараёнининг барча босқичларини тўлиқ ҳужжатлаштириш учун мос лойиҳа ҳужжатларини танлаш ва фойдаланиш имкониятига эга бўлишлари лозим.

- Лойиҳа хусусиятини тавсифловчи лойиҳанинг батафсил тавсифини яратинг:
 - муаммо талабларини аниқланг ва тавсифланг;
 - мақсадли маҳсулотни тавсифланг;
 - мақсадли аудиторияни тавсифланг;
 - ҳар қандай техник мулоҳазаларни тавсифланг (масалан, у қўлланиладиган қурилмалар, ўрнатилган илова ёки веб-интерфейс, унумдорликка талаблар).
- Ҳар бир рақамли тасвир учун яққол кўрсатиб берувчи, батафсил лойиҳаларни яратинг:
 - ҳар бир графикнинг батафсил андозаси;
 - фойдаланиш учун ранг палитралари;
 - матн қандай қўлланилади;
 - ранг эффектлари қандай қўлланилади;
 - мақсадли графикнинг берилган параметрлари (масалан, файл ҳажми, файлни сиқиш).
- Яратилаётган анимация учун яққол кўрсатиб берувчи, батафсил раскадровка (кадрларга ажратиш) ни яратинг:
 - умумий ҳикоя ёки хабарнинг қисқача тавсифи;
 - асосий кадр / сахналарнинг батафсил қораламалари;
 - фойдаланиш учун ранг палитралари;
 - матн қандай қўлланади;
 - ранг эффектлари қандай қўлланади;
 - кадрларнинг вақти ва частотаси;
 - қўлланиладиган ҳар қандай овознинг қисмлари;
 - анимациянинг белгиланган параметрлари (масалан, файлни сиқиш).

В3 Ҳуқуқий ва ахлоқий мулоҳазалар

Ўқувчилар рақамли графика ва анимацияни режалаштириш ва фойдаланишга тайёрлаш ёки ишлаб чиқишда ҳуқуқий ва ахлоқий мулоҳазалар тушунчасини қўллаш имкониятига эга бўлишлари лозим.

- Фойдаланиш учун илгари мавжуд бўлган активларнинг ёзувларини яратинг:
 - активнинг аниқ манбасини аниқланг (масалан, URL-манзил);
 - инобатга олиниши зарур бўлган ҳар қандай лицензияланган ёки муаллифлик чекловларини тавсифланг;
 - фойдаланишга рухсатни тасдиғини тақдим этинг (талаб этилса);
 - танланган активнинг мақсади бўйича яроқлилигини тушунтиринг;
 - талаб этиладиган активларни ҳар қандай таҳрирлаш ёки манипуляция қилишни тавсифланг (масалан, файлни кесиш, ўзгартириш).
- Дизайннинг хусусиятлари қай тарзда ахлоқий омилларни инобатга олишини тавсифланг (ўринли бўлишига қараб):
 - конфиденциалликка риоя қилиш;
 - махфийлик;
 - турли жинсли, ирқли, диний қарашли ва ҳ.к. одамларга тақдим этиш;
 - мос бўлмаган ёки ёш бўйича чекланган маълумот;
 - эришиб бўлувчанлик.

С ўқитиш мақсади: Белгиланган рақамли маҳсулот учун рақамли графика ва анимацияни яратиш

Ўқувчилар вазифага жавобан рақамли графика ва анимация яратиш учун тегишли дастурий таъминотидан фойдаланишлари лозим.

С1 Рақамли график инструментлар

Ўқувчилар белгиланган маҳсулот учун рақамли графика яратишда мос ускуналардан фойдаланиш имкониятига эга бўлишлари лозим.

- Мақсадга мувофиқ растрли ва векторли график яратиш учун дастурий таъминот.

- Рақамли графика яратиш учун ускуналар ва усуллар:
 - қўлда ёзилган қоралама;
 - гуруҳлаш;
 - ранг баланси;
 - филтрлар;
 - танлов;
 - ранг фарқи ва тўйинганлиги;
 - ниқоблаш;
 - қатламларга ажралиш;
 - кераксиз қисмларни йўқотиш (ретуширование);
 - шаффофлик / ёпиқлик;
 - ташқи манбалардан импорт қилиш;
 - йўлларни таҳрирлаш ва умумлаштириш.

C2 Рақамли анимация инструментлари

Ўқувчилар белгиланган маҳсулот учун анимация яратишда мос ускуналарни танлаш ва ишлатиш имкониятига эга бўлишлари лозим.

- Заруратга қараб режалаштирилган анимация учун активларни яратиш ва тайёрлашда растрли ва векторли графика яратиш учун дастурий таъминот.
- Рақамли анимация яратиш учун ускуналар ва усуллар:
 - кадрларнинг частотаси;
 - кадрлардаги ёруғлик;
 - қўшимча киритиш (интерполяция);
 - ўтишлар;
 - камеранинг кўриш бурчаги;
 - кўчириб ўтказиш;
 - тасвирнинг давомийлиги;
 - визуализация;
 - товушларни ҳамда бошқа ташқи яратилган активларни импорт қилиш ва қўллаш.

С3 Маҳсулотларни фойдаланишга тайёрлаш

Ўқувчилар рақамли графика ва анимацияни улардан муайян маҳсулотда ишлатиш учун яроқли бўлишига тайёрлашлари лозим.

- Якуний графика ва анимацияни қуйидаги мос танловни ўз ичига олган ҳолда ишлатишда тайёр бўлиши учун сақланг / экспорт қилинг:
 - кенгайтма;
 - ўлчамлар;
 - бит чуқурлиги;
 - ранг режимлари;
 - файллар турлари;
 - сиқиш;
 - файлларнинг ҳажмлари;
 - мос сиқиш усуллари.

Модулнинг қисқача тавсифи

Ўқитиш мақсади	Мундарижанинг асосий бандлари	Баҳолашга ёндашиш
А Рақамли маҳсулотларда графика ва анимациядан фойдаланиш таҳлили	А1 Рақамли графиканинг функционал вазифаси А2 Рақамли графика ва анимация параметрлари	Рақамли графика ва анимациянинг турли контекстларда қўлланилишини таҳлил қилувчи ҳисобот
В Рақамли графика ва анимацияни ташкил этувчи элементлар	В1 Муаммони аниқлаш В2 Рақамли графика ва анимация бўйича лойиҳа ҳужжатлари В3 Ҳуқуқий ва ахлоқий мулоҳазалар	Дастлабки дизайнерлик ғоялари. Графика ва анимацион маҳсулотлар учун ишчи ҳужжатлар. Муаллифлик ҳуқуқи ва бошқа юридик мулоҳазалар тўғрисида маълумотларни ўз ичига олган ҳолда қўллайдиган мавжуд активларнинг рўйхати.
С Белгиланган рақамли маҳсулот учун рақамли графика ва анимацияни яратиш	С1 Рақамли график инструментлар С2 Рақамли анимация инструментлари С3 Маҳсулотларни фойдаланишга тайёрлаш	Лойиҳаларда инобатга олинган ахлоқий омилларга шарҳлар. Якуний рақамли графика ва анимация файллари.

Ўқитувчилар ва имтиҳон олувчилар учун қўшимча маълумот

Ресурсларга талаблар

Ушбу модул учун ўқувчилар уларга рақамли графика ва анимацияни режалаштириш ва яратиш имконини берадиган аппарат ва дастурий таъминотдан фойдалана олиш имкониятига эга бўлишлари лозим. Дастурий ресурслар қуйидагиларни ўз ичига олишлари лозим:

- Inkscape 0.92 – очик кодга эга векторли графикани яратиш ва таҳрирлаш учун дастурий таъминот – <https://inkscape.org/>;
- GIMP 2.10.12 – очик кодга эга графика таҳрири – <https://www.gimp.org/>;
- Blender 2.80 – очик кодга эга 3D пакет – <https://www.blender.org/>;
- Pencil 2D – очик кодга эга 2D-анимация ускунаси – <https://www.pencil2d.org/>;
- Synfig Studio – очик бошланғич кодга эга 2D-анимация дастурий таъминоти – <https://www.synfig.org/>.

Ечимларни баҳолаш учун зарур маълумот

А ўқитиш мақсади

А.Р1 ва А.Р2 баҳолаш мезонлари учун ўқувчилар таҳлилий кўникмалардан фойдаланиб, камида учта турли хил рақамли маҳсулотларда графика ва анимациядан фойдаланишни ўрганадилар. Ўқувчилар учта маҳсулотни ўзлари танлашлари ёки ўқитувчилар ўқувчиларни мос маҳсулотга йўналтиришлари мумкин. Танлаб олинган маҳсулотлар ўқувчиларга мақсадлар диапазони, мақсадли аудитория ва мақсадларни, шунингдек, рақамли графика ва анимацияни турли хил ишлатилишини ҳисобга олиш учун тегишли имконият яратишлари лозим. Ўқувчилар ўзларининг таҳлилларини ҳисобот шаклида тақдим этишлари лозим.

Ўқувчилар ҳар бир кўрсатилган маҳсулотларда графика ва анимациядан қанчалик самарали фойдаланишни баҳолашлари лозим. Улар қўлланилаётган графика ва анимациянинг мақсади ва хусусиятларини ўрганишлари ва графиканинг аудитория ва маҳсулотнинг талабларига қанчалик мос келиши тўғрисида қарор қабул қилишлари лозим. Ўқувчилар ўзлари ўтказётган баҳолаш учун мустаҳкамланган далилларни тақдим этишлари лозим.

Ўқувчилар графика ва анимациянинг параметрларини ўрганишлари ва уларнинг фойдаланишга қандай таъсир кўрсатиши мумкинлигини тушунтиришлари лозим. Шунингдек, улар ўзлари киритган маҳсулотлар ва ўз навбатида фойдаланувчига параметрлар қандай таъсир кўрсатишини тушунтиришлари лозим.

В ўқитиш мақсади

Ўқувчилар берилган сценарийга мувофиқ рақамли графика ва анимацияни режалаштирадилар.

Ўқувчилар дастлаб умумий тенденцияларни аниқлаш учун мавжуд бўлган ўхшаш маҳсулотларнинг бирон бир тадқиқотини ўтказишлари лозим. Бу мавжуд маҳсулотларнинг экрандаги изоҳли тасвири кўринишида бўлиши мумкин. Кейин ўқувчилар вазифага қандай жавоб беришлари ҳақида дастлабки мулоҳазаларини, масалан, кайфият тахталари, ақлий ҳужум сессияси ёзувлари ва қисқача тавсифларидан фойдаланган ҳолда шакллантиришлари лозим. Ушбу босқичда ўқувчилар ҳар бир маҳсулот учун батафсил лойиҳалар ишлаб чиқишлари шарт эмас, лекин бошқалар таклиф этилган ғояларнинг афзалликлари тўғрисида фикр қолдиришлари учун етарли қисмлар тақдим этишлари лозим. Тегишли ҳолларда, ўқувчилар ўзларининг тадқиқотларида қайд этилган йўналишли тенденцияларни дастлабки ғоялари билан таққослашлари керак.

Ўқувчилар олинган фикр-мулоҳазаларни, шунингдек, дастлабки ғояларни, улар яратмоқчи бўлган графика ва анимациялар учун батафсил дизайн ҳужжатлари тўпламини ишлаб чиқиш учун ишлатишлари лозим. Лойиҳа ҳужжатлари зарурат туғилганда учинчи томон ўқувчисининг лойиҳа ҳужжатлари ёрдамида тахминий маҳсулотни ярата олиши учун етарли даражада ёритилган (B2 билимлар соҳасида кўрсатилгани каби) ва аниқ бўлиши лозим.

Ўқувчилар ўзларининг маҳсулотларида фойдаланишни режалаштираётган, бошқалар томонидан яратилган ҳар қандай активлар манбасини (масалан, овозли файллар, графика) ёзиб қўйишлари лозим. Уларнинг манбалар жадвали B3.1. мавзулар соҳасида келтирилган соҳаларни қамраб олиши лозим. Шунингдек, ўқувчилар ўзларининг қабул қилган қарорларида ахлоқий омилларни қандай инobatга олганликлари тўғрисида тасдиқловчи ҳужжатлар топширишлари зарур.

С ўқитиш мақсади

Ўқувчилар берилган сценарийга мувофиқ рақамли графика ва анимацияни яратадилар.

Ўқувчиларнинг маҳсулотлари янада йирик рақамли маҳсулотга киритиш учун яроқли бўлиши лозим. Масалан, мижозга турли мақсадлар учун графикани ўз ичига олиши керак бўлган (масалан, навигация тугмалари, белгилар, сюжетлар учун тасвирлар ва анимация, масалан, анимацияланган баннерлар, ўргатувчи мультфильмлар ёки ўйинлардаги қирқиб олинган саҳналар) смартфон учун таълим иловасига контент талаб этилиши. Рақамли графика ва анимация, модул контентида санаб ўтилган ишлов бериш ва кўникмаларнинг бир қатор мос усулларида фойдаланишни намоиш этиш учун етарли даражада мураккаб бўлиши лозим.

Ўқувчиларнинг якуний рақамли графика ва анимацияси мақсадли маҳсулотга киритиш учун мос файллар форматига экспорт қилинган бўлиши лозим, лекин ушбу модулни баҳолаш учун мақсадли маҳсулот яратишга зарурат йўқ.

Бошқа модулларга ҳаволалар

Мазкур модул қуйидаги модулларга мурожаат қилади, яъни *3-модул: Веб-сайт яратиш*, *7-модул: Мобил иловаларни ишлаб чиқиш* ва *8-модул: Компьютер ўйинларини ишлаб чиқиш*.

7-модул: Мобил иловаларни ишлаб чиқиш

Ўзбекистон Даража: 4

Модул тури: Ички баҳолаш

Ўқув соатлари: 120

Модул билан танишиш

Мобил технологияларнинг, айниқса мобил телефонлар ва планшетлар сонининг ўсиши, маълумот берадиган, ўргатадиган ёки шунчаки кўнгил очадиган кўплаб кичик иловаларни яратган ҳолда дастурий таъминот ишлаб чиқиш бозорини жонлантирди ва ўзгартирди.

Ушбу модулда ўқувчилар мобил иловани қандай қилиб лойиҳалаштиришни ва яратишни, қоидага кўра базавий гибрид ҳодисавий ва объектга йўналтирилган усуллар ёрдамида, кейин ўзларининг мобил платформаларида нашр этишни билиб оладилар. Шунингдек, эътибор мақсадли қурилманинг (овозни аниқлаш ва имо-ишорани бошқаришни ўз ичига олган ҳолда) интерфейс усуллари ва дунё иловалар бозорида ишлаб чиқиш ва пул ишлашга ёрдам берадиган ташқи кутубхоналардан тўғри фойдаланишга қаратилади.

Ўқитиш мақсадлари ва баҳолаш мезонлари

Ушбу модулни ўтиш учун ўқувчилар муайян мезонларга мос келишлари шарт. Натижага эришиш учун зарур бўлган баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилган стандартга мувофиқ белгиланади.

Ўқитиш мақсади		Баҳолаш мезонлари	
A	Мобил иловалар ва мобил қурилмаларни тадқиқ этиш	A.P1	Мақсади бўйича фойдаланиш учун иккита мобил иловаларнинг яроқлилигини таққослаш
		A.P2	Мобил иловалар учун қўлланиладиган мобил платформасининг танловига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган омилларни тушунтириш
B	Мижоз талабларига жавоб берадиган мобил иловани ишлаб чиқиш	B.P1	Муайян талабларга жавоб берадиган мобил илова учун дизайн яратиш
		B.P2	Зарур такомиллашувларни аниқлаш ва киритиш учун мобил илованинг дизайнини бошқалар билан таққослаш
C	Мижознинг талабларига жавоб берадиган мобил иловани яратиш	C.P1	Дизайн мезонларига мувофиқ мобил иловани яратиш
		C.P2	Мобил иловани функционаллиги, фойдаланиш қулайлиги, барқарорлиги ва унумдорлиги бўйича синовдан ўтказиш
		C.P3	Синов натижалари бўйича мобил иловани такомиллаштириш

Мазмуни

А ўқитиш мақсади: Мобил иловалар ва мобил қурилмаларни тадқиқ этиш

А1 Яхши мобил иловаларнинг хусусиятлари

Ўқувчилар мобил иловани нималар яхши қилишини тушунишлари лозим:

- яхши фойдаланувчи интерфейсига эга;
- тез юкланиш вақти ва юқори унумдорликка эга;
- фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларига мосланувчан;
- барқарор ҳисобланади;
- ҳаракатларнинг аниқлигига эга.

А2 Мобил иловаларнинг турлари

Ўқувчилар мобил иловаларнинг турларини тушунишлари лозим:

- натив (мобил операцион тизимга мос) иловалар;
- веб-иловалар;
- гибрид (натив ва веб иловалар аралашмаси) иловалар.

А3 Мобил иловалардан фойдаланиш

Ўқувчилар мобил иловалар турларининг турли мақсадли аҳамиятларини тушунишлари лозим:

- кўнгил очиш учун, масалан, компьютер ўйинлари, онлайн-трансляция;
- маълумот тақдим этиш учун, масалан, фотосуратлар, видео;
- навигация учун, масалан, яқин темир йўл станциясини топиш, турли жойларнинг атрофидаги йўлларни топиш;
- мулоқот учун, масалан, ижтимоий тармоқлар, видеоқўнғироқлар;
- дам олиш ва фитнес учун, масалан, фитнес-трекинг, овқатланишни режалаштириш.

A4 Мобил иловалар учун экранларнинг турлари

Ўқувчилар мобил иловалар учун ишлатиладиган экранларнинг турларини тушунишлари лозим:

- лавҳа;
- киритиш маълумотига эга экран;
- меню ва бош экранлар;
- кириш ва профил экранлари;
- статистика экрани;
- календарь;
- электрон тижорат экрани;
- ижтимоий экран;
- музика ижро этиш экрани.

A5 Мобил платформалар

Ўқувчилар мобил иловалар учун ишлатиладиган турли платформаларни тушунишлари лозим.

- Тижоратни кенгайтириш платформалари:
 - iOS (iPhone, iPad);
 - Android;
 - Windows.
- Эркин кенгайтириш платформалари:
 - Java ME;
 - веб-браузер.
- Махсус қурилма:
 - мультисенсорли экран;
 - камера;
 - микрофон;
 - глобал навигацион спутник тизими (GPS);
 - акселерометр;
 - бармоқ излари сканери;
 - нишаблик датчиги;
 - юзни аниқлаш.
- Махсус дастурий таъминот:
 - овозни аниқлаш;
 - имо-ишорани аниқлаш.

- Платформа танловига таъсир кўрсатувчи омиллар:
 - мақсадли аудитория;
 - лойиҳалаштиришга маблағ;
 - техник хусусиятлар ва ишлаб чиқиш соддалиги;
 - платформани янгилаш.

В Ўқитиш мақсади: Мижоз талабларига жавоб берадиган мобил иловани ишлаб чиқиш

В1 Мобил илова учун лойиҳа ҳужжатлари

Ўқувчилар мобил илова учун лойиҳа ҳужжатларидан фойдаланишни ўрганиб олишлари зарур.

Лойиҳа ҳужжатлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- мақсадли платформа;
- илова вазифаларининг тавсифи;
- push-хабар, ижтимоий тармоқлар билан интеграция, автоном функциялар, геолокация каби иловадаги функцияларнинг тавсифи;
- тегишлилигига қараб фойдалана олиш мулоҳазалари:
 - кўриниш;
 - эшитиш;
 - жисмоний ривожланиш ва моторика;
 - ўқитиш ва саводхонлик.
- фойдаланувчи тажрибаси бўйича дизайн (UX):
 - ахборот архитектураси, масалан, иерархия ва навигация;
 - каркасли моделлаштириш;
 - интерактив прототип.
- фойдаланувчи интерфейси дизайни (UI):
 - услуб бўйича қўлланма;
 - тақдим этилган дизайн;
 - ўтиш бўйича тақдим этилган дизайн.
- дастурни лойиҳалаштириш:
 - олдиндан аниқланган код;
 - блок-схемалар;
 - псевдокод;
 - назорат тузилмалари;
 - тасдиқланган маълумотлар.

- фойдаланиш учун активлар:
 - график объектлар;
 - аудио объектлар;
 - видео объектлар.

С Ўқитиш мақсади: Мижознинг талабларига жавоб берадиган мобил иловаларни яратиш

С1 Дастурлаш конструкциялари

Ўқувчилар мобил иловани дастурлаш учун дастурлашнинг турли конструкцияларини тушунишлари ва уларни қўллашни билишлари лозим:

- константалар;
- операторлар:
 - арифметик;
 - боғланган;
 - мантиқий;
 - конкатенация.
- Маълумотларга ишлов бериш:
 - киритиш ва чиқариш командаси;
 - локал ўзгарувчилар;
 - глобал ўзгарувчилар;
 - маълумотларнинг турлари:
 - белги;
 - бутун сон;
 - ҳақиқий;
 - мантиқий қиймат;
 - кетма-кетлик.
- Назорат тузилмалари:
 - кетма-кетлик;
 - танлов;
 - такрорланиш.
- Функциялар ва тартиб-таомиллар.
- Объектлар ва синфлар.
- Ҳодисаларнинг юзага келиши:
 - сенсорли экран;
 - тугмаларнинг жисмоний босилиши;
 - имо-ишора асосида;
 - ҳаракат асосида.

- Ҳодисаларга ишлов бериш:
 - Ҳодисаларни умумий қайта ишлагич:
 - босиш;
 - юклаш;
 - фокусни йўқотиш;
 - фокусга эга бўлиш;
 - клавишаларни босиш;
 - клавиша босилган ҳолати.
 - ҳодисаларни фойдаланувчи қайта ишлагичи;
 - ҳодисаларни қайта ишлагични қўшиш;
 - ҳодисаларни қайта ишлагичини яратиш;
 - ҳодисаларни қайта ишлагичини ўчириш;
- Қурилманинг имкониятларидан фойдаланиш:
 - API;
 - Android датчиги;
 - iOS Core Motion Framework.
- Қурилманинг ориентацияси (йўналиши):
 - автомат тарзда аниқлаш;
 - мажбурий йўналтириш режими.
- Мақсадли қурилма учун бажариладиган дастурни яратиш.

С2 Мобил иловани синовдан ўтказиш

Ўқувчилар ечимнинг функционал эканлигини текшириш учун мос синов ва синов маълумотларини танлаш имкониятига эга бўлишлари лозим.

- Идентификацияланган синов мақсадини тавсифланг.
- Ишлатиладиган синов маълумотларини аниқланг, хусусан:
 - ҳақиқий синов маълумотлари – илова қабул қилиши лозим бўлган маълумотлар;
 - ҳақиқий ҳисобланган, лекин рухсат этилган чегарада жойлашган маълумотлар;
 - нотўғри – илова қабул қилмаслиги керак бўлган маълумотлар;
 - рухсат этилмаган – нормал ҳисобланувчи, лекин рухсат этилган чегаранинг ташқарисида жойлашган маълумотлар;
 - хато – нотўғри турдаги маълумотлар.
- Ҳар бир синов учун дастлабки шароитларни аниқланг (синовни ўтказишдан аввал нима амалга оширилган бўлиши лозим).
- Синовдан кутилаётган натижаларни тавсифланг.

- Функционалликни синовдан ўтказинг ва ҳақиқий натижаларни киритиш учун режани янгилаб:
 - амалга оширилган ўзгаришларни тушунтириш;
 - қўлланилиши мумкин бўлган жойда синовни такрорланг ва аниқланган кодни қайта синовдан ўтказинг.
- Қуйидагилар ёрдамида иловани оптималлаштиришни билиш:
 - активларни файлларнинг турли форматларига экспорт қилиш;
 - коднинг самарадорлигини ошириш;
 - фойдаланувчи интерфейсини қайта ишлаш.

Модулнинг қисқача тавсифи

Ўқитиш мақсади	Мундарижанинг асосий бандлари	Баҳолашга ёндашиш
A Мобил иловалар ва мобил қурилмаларни тадқиқ этиш	A1 Яхши мобил иловаларнинг хусусиятлари A2 Мобил иловаларнинг турлари A3 Мобил иловалардан фойдаланиш A4 Мобил иловалар учун экранларнинг турлари A5 Мобил платформалар	Таққосланадиган иккита мобил илова ва мобил платформанинг танлови мобил илованинг унумдорлигига қандай таъсир кўрсатиши мумкинлиги тўғрисида ҳисобот
B Мижоз талабларига жавоб берадиган мобил иловани ишлаб чиқиш	B1 Мобил илова учун лойиҳа ҳужжатлари	Мижознинг талабларига жавоб берадиган мобил илова учун лойиҳа ҳужжатлари. Синов ўтказиш ва иловаларни ишини якунлаш бўйича ҳужжатлар билан мижознинг талабларини қондириш учун ишлаб чиқилган мобил илова.
C Мижознинг талабларига жавоб берадиган мобил иловани яратиш	C1 Дастурлаш конструкциялари C2 Мобил иловани синовдан ўтказиш	

Ўқитувчилар ва имтиҳон олувчилар учун қўшимча маълумот

Ресурсларга талаблар

Ушбу модул учун ўқувчилар Windows OS, Linux, Apple Macintosh OS X, Apple iOSга эга ШКга ёки усулларни ҳамда мобил ҳодисавий иловаларни ўрганиш ва ишлаб чиқиш, мос интеграциялашган ишлаб чиқишнинг муҳитини таклиф этаётган бошқа мос платформалардан фойдаланиш имкониятига эга бўлишлари лозим. Уларга IDE NetBeans; Eclipse (Android Development Tools (ADT) плагини билан) ва ҳ.к. лардан фойдаланган ҳолда Microsoft Visual Basic.Net; iOS учун Apple дан XCode; Java IBM киради. Ишлаб чиқишнинг бошқа платформаларини ҳам кўриб чиқиш мумкин, масалан, Android учун MIT App Inventor, бироқ бу ўқувчиларнинг ривожланиши ва ўзлаштиришини чеклаб қўйиши мумкин. Шунингдек, ўқувчиларга Invision сайтига яъни: <https://www.invisionapp.com> га кириш фойдали бўлиши мумкин.

Бундан ташқари модул ишининг баъзи жиҳатлари фойдаланувчидан ишлаб чиқиш ҳуқуқини ва дастурларни компиляция қилиш учун ҳамда бажариладиган кодни ўрнатиш учун мақсадли платформаларни талаб этади.

Шунингдек, ўқувчилар мустақиллигига ёрдам бўлиши учун ўқув материалларга, ўқув қўлланмаларга ва кодланган мисолларга офлайн ва онлайн режимда фойдаланиш имкониятига эга бўлишлари лозим.

Ечимларни баҳолаш учун зарур маълумот

А ўқитиш мақсади

Ўқувчилар иккита турли мобил иловаларни таққослашлари лозим. Таққослашда улар ҳар бир илованинг фойдаланишга таклиф этиш учун қанчалик самарали эканлигини баҳолашлари лозим. Улар ишлатилаётган экранларнинг турларини таққослашлари ва А1 мундарижа соҳасида кўрсатилган яхши мобил илова хусусиятларига қанчалик мувофиқлигига шарҳ беришлари лозим.

Кейин ўқувчилар мобил иловаларни ишлаб чиқиш учун мобил платформаларининг танловига таъсир кўрсатувчи омилларни тушунтиришлари лозим.

В ўқитиш мақсади

Ўқувчилар мижознинг талабларини қондириш учун мобил илова лойиҳаларини яратишда лойиҳа ҳужжатларидан фойдаланишлари лозим. Ўқувчилар UI ва UX, шунингдек, лойиҳани дастурлашни ўз ичига олувчи батафсил лойиҳаларни ишлаб чиқишлари керак. Шунингдек, ўқувчилар такомиллашувлар тўғрисида хабар беришлари учун ўз лойиҳаларини бошқалари билан кўриб чиқишлари лозим.

С ўқитиш мақсади

Ўқувчилар дизайн талабларига жавоб берадиган мобил иловани ишлаб чиқишлари учун дастурлаш тилидан фойдаланишлари лозим. Мобил илова функционал бўлиши ва фойдаланувчининг одатий хатоларига узилишларсиз ишлов бериши керак.

Ўқувчилар шунингдек, мобил илованинг функционаллиги, ишончлилиги ва ўрнатилган талабларга мувофиқлигига ишонч ҳосил қилиш учун уни синовдан ўтказганликларини кўрсатиб беришлари лозим. Синов бўйича ҳужжатлар фойдаланилаётган синов маълумотларининг барча турларини кўрсатиб берувчи бир қатор синовларни ўз ичига олишлари лозим. Ўқувчилар синов натижасида мобил иловани такомиллаштирганликларини кўрсатиб беришлари лозим.

Бошқа модулларга ҳаволалар

Мазкур модул қуйидаги модулларга мурожаат қилади, яъни 2-модул: *Дастурий таъминот таҳлили ва дизайн ҳамда 4-модул: Турли кодлаш парадигмалари ёрдамида дастурлаш.*

8-модул: Компьютер ўйинларни яратиш

Ўзбекистон Даража: 4

Модул тури: Ички баҳолаш

Ўқув соатлари: 120

Модул билан танишиш

Компьютер ўйинлари саноати ривожланди ва компьютер қурилмалари, ўйин приставкалари ҳамда мобил қурилмалар учун муҳим соҳага айланди. Кўплаб компьютер ўйинларини ишлаб чиқишда дастурчилар, график рассомлар, аниматорлар, даража дизайнерлари, актёрлар ва режиссёрлар каби одамларнинг кенг доираси иштирок этади.

Мазкур модулда ўқувчилар ўйинларнинг турлари, уларнинг асосий функциялари ва ўйинни ўйнаш учун нима яроқли бўлиши тўғрисида билиб оладилар. Улар лойиҳалаштириш жараёнини ўрганадилар ва компьютер ўйини учун лойиҳалар яратадилар. Ва ниҳоят, улар код яратиш ва ўйин двигогидан фойдаланиб, ўйинни қандай ишлаб чиқиш ва синовдан ўтказишни билиб оладилар.

Ўқитиш мақсадлари ва баҳолаш мезонлари

Ушбу модулни ўтиш учун ўқувчилар муайян мезонларга мос келишлари шарт. Натижага эришиш учун зарур бўлган баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилган стандартга мувофиқ белгиланади.

Ўқитиш мақсади		Баҳолаш мезонлари	
A	Компьютер ўйинларини ишлаб чиқиш таъминотларини тушуниш	A.P1	Иккита компьютер ўйинни уларнинг мақсадли аудиторияси ва мақсади учун яроқлилигини таққослаш
B	Мижознинг талабларига мувофиқ компьютер ўйинини ишлаб чиқиш	B.P1	Муайян талабларга жавоб берадиган компьютер ўйини учун дизайн яратиш
		B.P2	Зарур такомиллаштиришларни аниқлаш ва киритиш учун компьютер ўйинининг дизайнини бошқалари билан таққослаш
C	Мижознинг талабларига мувофиқ компьютер ўйинини яратиш	C.P1	Дизайн мезонларига мувофиқ компьютер ўйинини яратиш
		C.P2	Компьютер ўйинини функционалиги, фойдаланишга қулайлиги, барқарорлиги ва унумдорлиги бўйича синовдан ўтказиш
		C.P3	Синов натижаларига асосланиб компьютер ўйинини такомиллаштириш

Мазмуни

А ўқитиш мақсади: Компьютер ўйинларини ишлаб чиқиш тамойилларини тушуниш

А1 Компьютер ўйинларида жанрлар ва ижтимоий тенденциялар

Ўқувчилар компьютер ўйинлари билан боғлиқ жанрлар ва ижтимоий тенденциялар тўғрисида билишлари лозим.

- Машҳур жанрлар:
 - спорт;
 - саргузашт;
 - экшн;
 - тақлид;
 - стратегия;
 - бош қотирма;
 - ролли ўйинлар;
 - тарбиявий.
- Ўйинчилар, масалан, ёш доираси, жинси, тасодифий ўйинчилар, доимий ўйинчилар, мавзулар.
- Ўйинларни ишлаб чиқариш, масалан, асосий ношир, indie, free-to-play
- Тармоқ ўйини.
- Сунъий онг, масалан излаш алгоритмлари, математик оптималлаштириш, мантиқ.
- Янги технологиялар.
- Интеграллашган сервислар ва кўп фойдаланувчи муҳит хавфсизлиги, масалан Steam, Google Play.

А2 Компьютер ўйинларида визуал услуб

Ўқувчилар компьютер ўйинларидаги визуал услубларни билишлари лозим.

- Ўйин олами:
 - ландшафт;
 - архитектура;
 - объектлар.
- Ўйнайдиган ва ўйнамайдиган персонажлардан фойдаланиш.

- Истиқболлар:
 - 2D;
 - 3D;
 - биринчи шахс;
 - учинчи шахс;
 - айлантриш;
 - кетма-кетлик.
- Тўлиқ кадрли видео.

A3 Компьютер ўйинларидаги ўйин жараёни

Ўқувчилар турли ўйин функцияларининг компьютер ўйинларида қандай қўлланилишини тушунишлари лозим.

- Ўзаро таъсир модели:
 - аватар;
 - ҳамма жойда ҳозирлик.
- Ўйинчилар сони:
 - бир кишилик ўйин;
 - тармоқли ўйин.
- Ҳикояли чизиқ.
- Мақсадлар.
- Қийинчиликлар.
- Мукофотлар.
- Ўйинчининг ҳаракатлари.
- Қоидалар.
- Мураккаблик.
- Ўйин механикаси:
 - жиҳоз;
 - баҳолаш;
 - ғалаба шартлари.
- Ўйиннинг вазифаси.
- Ўйиннинг тузилмаси.
- Ўрганиб қолиш.

В ўқитиш мақсади: Мижознинг талабларига мувофиқ компьютер ўйинини ишлаб чиқиш

В1 Компьютер ўйинлари учун лойиҳа ҳужжатлари

Ўқувчилар самарали ўйин яратишлари учун лойиҳа ҳужжатларидан фойдаланишлари лозим.

- Талаблар:
 - аудитория;
 - мақсад;
 - мижознинг талаблари.
- Визуал услуб:
 - ўйин дунёси;
 - персонажлар;
 - истиқболлар;
 - активлар:
 - графика;
 - аудио;
 - видео.
- Ўйиннинг хусусиятлари:
 - ўзаро таъсир модели;
 - ўйинчилар сони;
 - жараён чизиги;
 - мақсадлар;
 - қийинчиликлар;
 - мукофотлар;
 - ўйинчининг ҳаракатлари;
 - қоидалар;
 - мураккаблик;
 - ўйин механикаси;
 - ўйин вазибалари;
 - ўйин тузилмаси;
 - ўрганиб қолиш.
- Ўйин визуал услуби ва функцияларини ҳужжатлаштириш ва қўллаш:
 - маълумотлар луғати;
 - алгоритмни ишлаб чиқиш:
 - псевдокод;
 - блок-схемалар.
 - Раскадровка.

- Дастурлаш тили ёки ўйин движогини танлаш.
- Тахмин қилинаётган платформа.

С ўқитиш мақсади: Мижознинг талабларига мувофиқ компьютер ўйинини яратиш

С1 Дастурлаш конструкцияси

Ўқувчилар дастурлашнинг турли конструкцияларини тушунишлари ва улардан ўйинни дастурлаш учун қўллашни билишлари лозим.

- Константалар.
- Операторлар:
 - арифметика;
 - мантиқий.
- Киритиш ва чиқариш командаси.
- Локал ўзгарувчилар.
- Глобал ўзгарувчилар.
- Кетма-кетлик.
- Танлов.
- Такрорланиш.
- Функциялар ва процедуралар.
- Маълумотларнинг турлари:
 - белги;
 - бутун сон;
 - ҳақиқий;
 - мантиқий қиймат;
 - кетма-кетлик.
- Объектлар ва синфлар.
- Ҳодисаларга ишлов бериш:
 - Умумий ҳодисаларга ишлов бергич:
 - юклама;
 - юклама даражасида;
 - сичқонча ва клавиатура;
 - ҳодисалар таймери.
 - коллизияларни аниқлаш;
 - ишга тушиш ҳодисаси;
 - скрипти ҳодисалар;
 - ҳаракатлар.

С2 Ўйин движоклари

Ўқувчилар ўйин движокларидан фойдаланишнинг роли ва уларни ўйин яратишда қўллашни билишлари лозим.

- Графикли рендеринг:
 - Бекор қилиш методлари:
 - иккилик муҳитни ажратиш (BSP);
 - портал асосида;
 - орқа томон;
 - кесилган конусни кўриш;
 - соялаштириш;
 - ҳисса.
 - рендеринг усуллари:
 - диффузияли акс этиш;
 - нурларнинг трассировкаси.
 - ёруғлик текстуралари;
 - соялаштириш;
 - ёритиш;
 - чуқур синовдан ўтказиш;
 - текислаш;
 - чўққили ва пикселли шейдерлар;
 - батафсил маълумотлар даражаси.
- Анимацион тизимлар:
 - чизиқ асосида;
 - инверс кинематика;
 - тўғри кинематика;
 - бўлаклар тизимлари.
- Тизимлар:
 - физика;
 - эффектлар;
 - товуш;
 - тармоқ.

- Сунъий онг:
 - сунъий онг агентлари:
 - ботлар;
 - ўйинчи бўлмаган персонажлар.
 - дунё навигацияси:
 - йўлни излаш;
 - тўсиқларни айланиб ўтиш.
 - хатти-ҳаракатлар;
 - нейрон тармоқлар;
 - ноаниқ мантиқ.
- Даражаларнинг дизайни.
- Активлар:
 - графика:
 - спрайтлар;
 - фонлар;
 - текстуралар.
 - хатти-ҳаракат:
 - ҳодисалар;
 - объектлар;
 - скриптлар.
 - товушлар:
 - эффектлар;
 - мусиқа;
 - шароит;
 - диалог.

С3 Компьютер ўйинини синовдан ўтказиш

Ўқувчилар ечимнинг функционаллигини текширишлари учун мос синов ва синов маълумотларини танлаш имкониятига эга бўлишлари лозим.

- Аниқланган синов мақсадини тавсифланг.
- Қўлланиладиган синов маълумотларини аниқланг, хусусан:
 - ҳақиқий синов маълумотлари – илова қабул қилиши лозим бўлган маълумотлар;
 - ҳақиқий экстремум – ҳақиқий ҳисобланувчи, лекин рухсат этилган чегарада жойлашган маълумотлар;
 - нотўғри – илова қабул қилиши керак бўлмаган маълумотлар;
 - рухсат этилмаган экстремум – нормал ҳисобланган, лекин рухсат этилган чегарадан ташқарида жойлашган маълумотлар / кировчи маълумотлар, хато – нотўғри турдаги маълумотлар.
- Ҳар бир синов учун дастлабки шартларни белгиланг (синов ўтказишдан аввал нима бажарилган бўлиши лозим).
- Синовдан кутилаётган натижаларни тавсифланг.
- Функционаллик синовини ўтказинг ва ҳақиқий натижаларни киритиш учун режани янгиланг:
 - киритилган ўзгаришларни тушунтириш;
 - қўлланилишига қараб синовни такрорланг ва аниқланган кодни такроран синовдан ўтказинг.
- Қуйидагилар ёрдамида компьютер ўйинини оптималлаштиришни билиш:
 - коднинг самарадорлигини ошириш;
 - визуал услубни қайта қуриш;
 - ўйин жараёнини такомиллаштириш.

Модулнинг қисқача тавсифи

Ўқитиш мақсади	Мундарижанинг асосий бандлари	Баҳолашга ёндашиш
A Компьютер ўйинларини ишлаб чиқиш таъминларини тушуниш	A1 Компьютер ўйинларидаги жанрлар ва ижтимоий тенденциялар A2 Компьютер ўйинларидаги визуал услуб A3 Компьютер ўйинларидаги ўйин жараёни	Визуал услуб ва ўйин жараёни нуқтаи назаридан иккита компьютер ўйини таққосладиган ҳисобот
B Мижознинг талабларига мувофиқ компьютер ўйинини ишлаб чиқиш	B1 Компьютер ўйинлари учун лойиҳа ҳужжатлари	Мижознинг талабларига жавоб берадиган компьютер ўйини учун лойиҳа ҳужжатлари.
C Мижознинг талабларига мувофиқ компьютер ўйинини яратиш	C1 Дастурлаш конструкциялари C2 Ўйин движоклари C3 Компьютер ўйинини синовдан ўтказиш	Мижознинг талабларини қондиришда синовдан ўтказиш ва ўйинни такомиллаштириш бўйича ҳужжат билан ишлаб чиқилган компьютер ўйини.

Ўқитувчилар ва имтиҳон олувчилар учун қўшимча маълумот

Ресурсларга талаблар

Ушбу модул учун ўқувчилар турли платформалардаги турли ўйинларга кириш имкониятига эга бўлишлари лозим. Интернетга кириш тадқиқотлар учун зарур. Шунингдек, ўқувчиларга ШК платформасидаги ўйин двигогининг 2D ва 3D дастурий таъминотида кириш ва интерактив маълумотномалар ва /ёки қўлланмалар, масалан, Dark Basic, C ++, C #, Java, .NET ва Gamemaker ёрдамида дастурлашнинг амалий вазифалари учун мос аппарат ва дастурий таъминот ишлаб чиқиш муҳити талаб этилади.

Ечимларни баҳолаш учун зарур маълумот

А ўқитиш мақсади

Ўқувчилар иккита турли компьютер ўйинини таққослашлари лозим. Ўзларининг таққосламаларида улар ҳар бир ўйиннинг ўз мақсадли аудиторияси ва мақсади учун қанчалик самарали эканлигини баҳолашлари лозим. Улар визуал услуб ва ўйин жараёни хусусиятининг қанчалик яхши қўлланилганлигига изоҳ беришлари керак.

В ўқитиш мақсади

Ўқувчилар мижознинг талабларини қондириш учун компьютер ўйини лойиҳасини яратишда лойиҳа ҳужжатларидан фойдаланишлари лозим. Ўқувчилар ўйин дизайни бўйича ҳужжат ва дастурлаш тили ёки ўйин двигоги танловини ўз ичига олувчи батафсил лойиҳаларни ишлаб чиқишлари керак.

Кейин ўқувчилар яхшиланишлар тўғрисида хабар бериш учун ўз лойиҳаларини бошқалари билан таққослашлари лозим.

С ўқитиш мақсади

Ўқувчилар дизайн талабларига жавоб берадиган компьютер ўйинини ишлаб чиқишлари учун дастурлаш тили ёки ўйин двигогидан фойдаланишлари керак. Компьютер ўйини функционал бўлиши ва фойдаланувчининг одатий хатоларига узлуксиз ишлов бериши лозим.

Шунингдек, ўқувчилар компьютер ўйинининг функционалиги, ишончлилиги ва ўрнатилган талабларга мувофиқлигига ишонч ҳосил қилиш учун уни синовдан ўтказганликларини кўрсатишлари лозим. Синов бўйича ҳужжатлар қўлланилаётган синов маълумотларининг барча турларини кўрсатувчи бир қатор синовларни ўз ичига олиши керак.

Ўқувчилар ўтказилган синов натижаларида компьютер ўйинини такомиллаштирганликларини кўрсатишлари лозим.

Бошқа модулларга ҳаволалар

Мазкур модул қуйидагиларга мурожаат қилади: *2-модул: Дастурий таъминот таҳлили ва дизайн* ва *4-модул: Турли кодлаш парадигмалари ёрдамида дастурлаш ҳамда 6-модул: Рақамли графика ва анимация.*

9-модул: Дастурий таъминот лойиҳаларини режалаштириш ва бошқариш

Ўзбекистон Даража: 4

Модул тури: Ички баҳолаш

Ўқув соатлари: 60

Модул билан танишиш

Маҳсулотнинг вақтида ва маблағ доирасида бажарилишини кафолатлаш учун дастурий таъминотни ишлаб чиқишда режалаштириш ва бошқаришнинг яхши кўникмалари зарур. Мазкур модулда ўқувчилар лойиҳани амалга ошириш имкониятларини баҳолаш учун лойиҳа талабларини қандай таҳлил қилишни ўрганадилар. Кейин улар лойиҳанинг турли методологиялари ва лойиҳани қандай амалга ошириш ҳақида билиб оладилар. Улар Гант диаграммасидан фойдаланиб, вазифа ва ресурсларни режалаштириш учун лойиҳани қандай режалаштиришни ҳамда маблағларни қандай тузишни билиб оладилар.

Лойиҳалар камдан-кам режалаштирилганидек боради ва нима сабабдан ўзгаришлар талаб этилиши ва ўзгаришларни қандай бошқаришни билишлари муҳим. Ўқувчилар ушбу ўзгаришларни инобатга олган ҳолда лойиҳанинг режаларини қандай тўғрилаш, шунингдек, хатарларни қандай бошқаришни билиб оладилар.

Ўқитиш мақсадлари ва баҳолаш мезонлари

Ушбу модулни ўтиш учун ўқувчилар муайян мезонларга мос келишлари шарт. Натижага эришиш учун зарур бўлган баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилган стандартга мувофиқ белгиланади.

Ўқитиш мақсади		Баҳолаш мезонлари	
A	Дастурий таъминот ишлаб чиқиш бўйича лойиҳанинг мақсадга мувофиқлигини баҳоланг	A.P1	Дастурий таъминотни ишлаб чиқиш лойиҳасига бўлган талабларни таҳлил қилиш
		A.P2	Мижознинг талабларини қондириш учун дастурий таъминот ишлаб чиқиш лойиҳасини амалга ошириш имкониятини баҳолаш
B	Дастурий таъминотни ишлаб чиқиш бўйича лойиҳани бошлаш	B.P1	Дастурий таъминотни ишлаб чиқиш лойиҳаси учун асосий талаблар тўпланган лойиҳани ташкиллаштириш бўйича ҳужжатларни яратиш
C	Дастурий таъминотни ишлаб чиқиш лойиҳасини режалаштириш	C.P1	Дастурий таъминот ишлаб чиқиш лойиҳаси учун вазифалар, босқичлар ва муддатларни режалаштириш
		C.P2	Дастурий таъминот ишлаб чиқиш лойиҳаси нархини ҳисоблаш
D	Дастурий таъминотни ишлаб чиқиш лойиҳасидаги ўзгаришларни бошқариш	D.P1	Муддатлар ва ҳаражатларнинг ўзгариши билан лойиҳа режасини тўғрилаш
		D.P2	Дастурий таъминот ишлаб чиқиш лойиҳасидаги хатарларни бошқариш

Мазмуни

А ўқитиш мақсади: Дастурий таъминот ишлаб чиқиш бўйича лойиҳанинг мақсадга мувофиқлигини баҳоланг

А1 Дастурий таъминот ишлаб чиқишнинг ҳаёт цикли

Ўқувчилар лойиҳада керак бўлиши мумкин бўлган, дастурий таъминот ишлаб чиқиш ҳаёт циклидаги хатти-ҳаракатларнинг турларини билишлари лозим, айниқса:

- тадқиқ этиш;
- лойиҳалаштириш;
- яратиш;
- синов ўтказиш;
- жорий этиш;
- хизмат кўрсатиш.

А2 Талабларнинг таҳлили

Ўқувчилар қуйидаги тарзда лойиҳанинг ҳажмини аниқлаш учун мижозларнинг эҳтиёжларини таҳлил қилишни билишлари лозим:

- мижозга нима керак;
- фойдаланувчилар ким бўлади;
- қандай IT-платформа қўлланилади;
- бу қачон якунланиши лозим.

А3 Лойиҳанинг амалга оширилувчанлигини тадқиқ этиш

Ўқувчилар лойиҳанинг амалга оширилувчанлигини баҳолашни билишлари лозим.

- Техник амалга оширилувчанлик, масалан:
 - қандай техник ресурслар (масалан, аппарат ва дастурий таъминот) мавжуд?
 - мавжуд технологиялар ёрдамида ечимларни ишлаб чиқиш мумкинми?
 - ишлаб чиқувчилар жамоаси зарур билим ва тажрибага эгами?
- Иқтисодий амалга оширилувчанлик, масалан:
 - молиявий ресурслар етарлими?
 - молиявий фойдалар ҳаражатлардан ортиқми?
- Юридик амалга оширилувчанлик, масалан:
 - муаллифлик ҳуқуқи, лицензиялаш, маълумотларнинг хавфсизлиги каби бирон бир ҳуқуқий тўсиқлар мавжудми?

- Операцион амалга оширилувчанлик, масалан:
 - таклиф этилаётган дастурий ечим мижознинг талабларига мувофиқ бўла оладими?
 - фойдаланувчилар дастурий таъминотдан фойдалана оладиларми?
 - фойдаланувчиларни қандай ўқитиш талаб этилади?
- Техник-иқтисодий асос графигини тузиш, масалан:
 - турли босқичлар учун қанча вақт керак?
 - белгиланган вақтда лойиҳани якунлаш мумкинми?

В ўқитиш мақсади: Дастурий таъминотни ишлаб чиқиш бўйича лойиҳани бошлаш

В1 Лойиҳа методологияси

Ўқувчилар дастурий таъминот ишлаб чиқишнинг турли методологияларини тушунишлари лозим.

- Каскадли моделнинг хусусиятлари:
 - босқичма-босқич ёндашувдан фойдаланиш – дастурий таъминот ишлаб чиқиш ҳаёт циклининг ҳар бир босқичи навбатдагисининг бошланишидан аввал якунланган бўлиши лозим;
 - барча босқичларда ҳужжатларни яратишни таъкидлайди;
 - Бошқа методологияларга нисбатан афзалликлари:
 - талаблар тушунарли ва ўзгариши мумкин бўлмаган ҳолларда мос келади;
 - ҳар бир босқич учун якуний натижалар белгиланган, шу сабабли жараён бошқарувда янада соддароқ ҳисобланади;
 - агар жамоа аъзоси кетса, унинг ўрнини алмаштириш осон.
 - Бошқа методологияларга нисбатан камчиликлари:
 - лойиҳанинг бажарилиши кўп вақт эгаллаши мумкин;
 - камроқ мослашувчан, шу сабабли у мижознинг талаблари тушунарсиз бўлганида ёки ўзгарганида камроқ мос келади;
 - мижоз билан ишлашга камроқ жалб этилганлик, фойдаланувчиларнинг фикри бўйича уларга керак бўлмайдиган функцияларни яратишга кетган вақтни йўқотишга олиб келиши мумкин.

- Иловаларни тез ишлаб чиқишнинг (ИТИ) ўзига хос хусусиятлари:
 - фойдаланувчилар фикр-мулоҳазаларини беришлари учун прототипларни яратишни ўз ичига олади;
 - бошқа методологияларга нисбатан афзалликлари:
 - фойдаланувчилар муаммони эрта босқичларда аниқлашлари мумкин, бу вақтни тежайди;
 - хатарни қисқартириш – мураккаб лойиҳалар катта эҳтимоллик билан ўз вақтида ва маблағ доирасида якунланиши мумкин.
 - бошқа методологияларга нисбатан камчиликлари:
 - фойдаланувчилар билан кўпроқ ўзаро муносабатда бўлиш, янада тажрибалироқ ишлаб чиқувчиларни талаб этади;
 - бутун лойиҳа давомида фойдаланувчилардан кўпроқ вақт ва ҳисса қўшишларини талаб этади;
 - прототиплаш йирик масшабли тизимларда камроқ амалий жиҳатга эга бўлиши мумкин.
- **Agile** нинг ўзига хос хусусиятлари:
 - лойиҳани бир нечта итерацияларга ажратади, бунда жамоа барча функциялар устида ишлайдилар (режалаштириш, таҳлил, кодлаш, синов ўтказиш);
 - «лойиҳа эгаси яъни, (Product owner)», «скрам мастер» ва кўриб чиқиш бўйича мунтазам йиғилишларга эга жамоалардан фойдаланади;
 - одатда прототиплардан фойдаланмайди – ҳар бир итерация ишлайдиган дастурий таъминотга олиб келади, лекин келгуси итерациялар қўшимча функцияларни қўшиш учун қўлланилади;
 - бошқа методологияларга нисбатан афзалликлари:
 - катта бўлмаган итерациялар ишлаб чиқиш жараёнини осон мослашувчан қиладилар;
 - «лойиҳа эгаси» жамоанинг мижоз эҳтиёжларига эътиборли бўлишни кафолатлайди;
 - бу, дастурий таъминотга талаблар ўзгарган тақдирда ривожланиш имконини берадиган итератив жараёндир;
 - жамоа фикр-мулоҳазали ва ўзгаришларга мослашувчан.
 - бошқа методологияларга нисбатан камчиликлари:
 - жамоанинг тажрибали ва содиқ аъзолари талаб этилади;
 - такрорий итерациялар жамоа аъзолари орасида ёнишга олиб келиши мумкин;
 - ҳужжатларга эътибор каскадли моделга нисбатан камроқ ажратилади.

В2 Лойиҳани ташкиллаштириш

Ўқувчилар лойиҳани бошлаш имкониятига эга бўлишлари лозим. Бунинг учун улар лойиҳа ҳужжатлари нималарни ўз ичига олиши мумкинлигини ва уларни тўлдиришни билишлари зарур:

- лойиҳа масштаби:
 - якуний натижалар қандай бўлади?
- лойиҳа учун муваффақият мезонлари:
 - ташкилотингиздаги мижоз учун нималар муваффақият ҳисобланишини қай тарзда биласиз?
- муддатлар:
 - бу қачон якунланиши лозим?
- лойиҳаларни бошқаришга ёндашув, масалан, каскад, RAD, Agile
- манфаатдор томонлар ва мулоқот:
 - манфаатдор томонлар ва жамоа аъзолари билан қандай мулоқот қиласиз, масалан, шахсий учрашувлар ёки масофавий учрашувлар, электрон хатлар?
 - сиз улар билан қанчалик тез-тез мулоқот қиласиз?
- хатарларни бошқариш:
 - соғлиқ учун хатарлар қандай?
 - ушбу таъсир қанчалик жиддий?
 - улардан қай тарзда йироқ бўлиш, камайитириш ёки юмшатиш мумкин?

С ўқитиш мақсади: Дастурий таъминотни ишлаб чиқиш лойиҳасини режалаштириш

С1 Вақт ва вазифалар

Ўқувчилар лойиҳани қуйидаги тарзда режалаштириш имкониятига эга бўлишлари лозим:

- лойиҳа босқичларини аниқлаш;
- асосий босқичларни бажариш учун зарур вазифаларни аниқлаш;
- функционал нуқталарнинг таҳлил натижалари (қуйи, ўрта, юқори) ишлаб чиқиш вазифаларини ечиш учун зарур вақтни баҳолашда қўлланилган бўлиши мумкин;
- ишни тақсимлаш:
 - вазифаларни жамоа аъзолари орасида тақсимлаш;
 - кутилмаган вазиятларни имкон қадар инобатга олган ҳолда вазифаларни режалаштириш.

Ўқувчилар қуйидагиларни кўрсатиш учун лойиҳанинг бажарилиш тартибини кузатишда Гант диаграммасидан фойдаланиш имкониятига эга бўлишлари лозим:

- асосий вазифалар ва қуйи вазифалар қандай;
- ҳар бир вазифага ким жавобгар;
- вазифаларни бажаришни бошлаш ва якунлаш саналари;
- ҳар бир вазифа қанча муддатда бажарилиши лозим;
- вазифаларнинг такрорланиши.

C2 Маблағни лойиҳалаштириш

Ўқувчилар қуйидаги тарзда лойиҳа учун маблағларни тузиш имкониятига эга бўлишлари лозим:

- ҳаражатлар (одамлар, ресурслар) ни аниқлаш;
- кутилмаган, эҳтимолий вазиятларни ҳал этиш;
- ҳаражатлар тузилмасини ёзиш учун жадваллардан фойдаланиш.

D ўқитиш мақсади: Дастурий таъминотни ишлаб чиқиш лойиҳасидаги ўзгаришларни бошқариш

D1 Ўзгаришларни бошқариш

Ўзгаришлар одатда дастурий таъминотни ишлаб чиқиш лойиҳаси вақтида амалга ошади. Ўқувчилар ўзгаришлар нима сабабдан талаб этилиши ва улар билан қандай курашишни билишлари лозим.

- Кўплаб учрайдиган, ўзгартиришлар талаб этилиши мумкин бўлган сабаблар:
 - дастлабки таҳлил ёки лойиҳадаги камчиликлар;
 - мижоз талабларининг ўзгариши (масалан, унга қўшимча функциялар керак ёки у фикрини ўзгартирган);
 - ташкилотдаги ўзгаришлар (масалан, лойиҳа жамоасидаги ўзгариш, ташкилот устуворликларидаги ўзгаришлар);
 - технологик ўзгаришлар (масалан, янги технологиялар фойдаланиш учун очик бўла бошламоқда);
 - ишлаб чиқиш вақтидаги фикр-мулоҳазалар асосида зарур ўзгаришлар (масалан, кодлаш, синов ўтказиш, жорий қилиш вақтида).
- Ўзгартиришга бўлган сўровлар билан қандай муомалада бўлиш:
 - амалга оширилувчанликни баҳолаш учун таклиф этилаётган ўзгаришларни кўриб чиқиш;
 - ҳаражатлар, вақт ва сифатга таъсирни баҳолаш;
 - ҳар қандай ҳаракатларни асосий манфаатдор томонлар билан келишиш, масалан, ташкилот ичида, мижозлар билан;
 - заруратга қараб режаларни мослаштириш.

D2 Мониторинг ва ўзгаришларни бошқариш

Ўқувчилар лойиҳаларни назорат қилиш ва ўзгаришларни бошқариш имкониятларига эга бўлишлари лозим.

- Вақт:
 - вақтни назорат қилиш муҳимлиги;
 - муддатлар ва босқичлар бўйича тараққиётни қандай назорат қилиш;
 - режаларни қандай янгилаш ва мослаштириш.
- Ҳаражатлар:
 - назоратнинг ҳаражатлар устидан ўрнатилиши;
 - ҳаражатлар ҳисобини қандай юритиш;
 - маблағга боғлиқ бўлганда ҳаражатларни қандай назорат қилиш;
 - агар ҳаражатлар ўзгарса, қандай ҳаракатлар қўллашни ҳал этиш.
- Сифат:
 - сифат назоратининг муҳимлиги;
 - сифат назорати бўйича вазифалар, масалан:
 - сифат баҳоланадиган назорат нуқталарини ўрнатиш;
 - сифат бўйича ҳисоботлар;
 - муаммолар аниқланган ҳолатда чоралар кўриш.
- Хатарлар:
 - хатарларни нима учун назорат қилиш зарур;
 - хатарлар журнаlines қуйидаги тарзда қўллаган ҳолда хатарларни қандай ҳужжатлаштириш:
 - хатарни аниқлаш;
 - хатар қанчалик жиддий (қуйи, ўрта, юқори) эканлигини таснифлаш;
 - хатарнинг таъсири ва эҳтимолини камайтириш.

Модулнинг қисқача тавсифи

Ўқитиш мақсади	Мундарижанинг асосий бандлари	Баҳолашга ёндашиш
A Дастурий таъминот ишлаб чиқиш бўйича лойиҳанинг мақсадга мувофиқлигини баҳоланг	A1 Дастурий таъминот ишлаб чиқишнинг ҳаёт цикли A2 Талабларнинг таҳлили A3 Лойиҳанинг амалга оширилувчанлигини тадқиқ этиш	Таклиф этилган дастурий лойиҳа учун амалга оширилувчанликни тадқиқ этиш
B Дастурий таъминотни ишлаб чиқиш бўйича лойиҳани бошлаш	B1 Лойиҳанинг методологиялари B2 Лойиҳани ташкиллаштириш	Дастурий лойиҳа учун ташкиллаштирилганлик ҳақида яқунланган ҳужжат
C Дастурий таъминотни ишлаб чиқиш лойиҳасини режалаштириш	C1 Вақт ва вазифалар C2 Маблағни лойиҳалаштириш	Тўлдирилган Гант диаграммаси ва дастурий лойиҳа харажатларининг тузилмаси
D Дастурий таъминотни ишлаб чиқиш лойиҳасидаги ўзгаришларни бошқариш	D1 Ўзгаришларни бошқариш D2 Мониторинг ва ўзгаришларни бошқариш	Янгиланган Гант диаграммаси, назорат нуқталари бўйича харажатлар тузилмаси ва ҳисоботи

Ўқитувчилар ва имтиҳон олувчилар учун қўшимча маълумот

Ресурсларга талаблар

Ушбу модулда ўқувчилар Гант диаграммасини яратиш учун фойдаланиш мумкин бўлган дастурий таъминотни ишлатиш имкониятига эга бўлишлари лозим.

Ечимларни баҳолаш учун зарур маълумот

А ўқитиш мақсади

Ўқувчилар бешта категория (техник, иқтисодий, юридик, операцион ва график) га нисбатан лойиҳанинг амалга оширилувчанлиги баҳоланадиган техник-иқтисодий асос ёзиш учун сценарийда тақдим этилган маълумотни таҳлил қилишлари лозим.

В ўқитиш мақсади

Ўқувчилар бошқа жамоа аъзолари учун асосий маълумотни умумлаштирадиган, лойиҳанинг ташкиллаштирилиши тўғрисида ҳужжат яратиш учун сценарийда тақдим этилган маълумотдан фойдаланишлари лозим. Бу қуйидагиларни ўз ичига олади: лойиҳа ҳажми (натижа қандай бўлиши нуқтаи назаридан); муваффақият мезонлари (ҳам мижоз, ҳам ишлаб чиқувчилар учун); муддатлар (лойиҳа якунланган бўлиши лозим бўлганда); лойиҳавий ёндашув; ва жамоа аъзолари ҳамда манфаатдор томонлар учун алоқа режаси. У шунингдек, хатарларни аниқлаш, уларнинг жиддийлигини баҳолаш ва улардан қандай йироқ бўлиш, камайтириш ёки юмшатиш тўғрисида таклифлар нуқтаи назаридан хатарларни бошқаришни ўз ичига олиши лозим.

С ўқитиш мақсади

Кейин ўқувчилар лойиҳани режалаштиришлари лозим. Бунинг учун улар лойиҳаларнинг вазифалари, босқичлари ва муддатлари кўрсатиладиган Гант диаграммасини яратишлари керак бўлади. Ҳар бир вазифага ким жавобгарлиги, бошланиш ва якунланиш санаси, улар қанча вақт эгаллашлари кераклиги ва улар орасидаги бирон бир тасодифлар равшан бўлиши лозим. Шунингдек, ўқувчилар одамлар ва ресурслар билан боғлиқ смета харажатлари кўрсатилган маблағ жадвалини тузишлари лозим.

D ўқитиш мақсади

Ўқувчилар лойиҳа муддатлари ва ҳаражатларидаги ўзгаришларни инобатга олишлари учун Гант диаграммасининг ва маблағ жадвалининг янгиланган версиясини яратишлари лозим.

Шунингдек, улар назорат нуқтаси бўйича ҳисобот тақдим этишлари керак. Назорат нуқталари бўйича ҳисобот хатарларни аниқловчи, хатарларнинг қанчалик жиддий эканлигини таснифловчи ва уларнинг таъсири ҳамда эҳтимолини камайтириш усуллари тушунтирувчи хатарлар журналини ўз ичига олиши лозим.

Бошқа модулларга ҳаволалар

Мазкур модул 10-модул: *Дастурий таъминот дизайни ва ишлаб чиқишга* мурожаат қилади, бунда ўқувчилар лойиҳанинг реал вазиятларида ўз кўникмаларини қўллаш имкониятига эга бўладилар.

10-модул: Дастурий таъминот ишлаб чиқиш ва дизайни

Ўзбекистон Даража: 4

Модул тури: Ички баҳолаш

Ўқув соатлари: 180

Модул билан танишиш

Ўқувчилар кичик лойиҳаларни режалаштириш ва амалга ошириш тажрибасига эга бўладилар ҳамда ресурсларни бошқариш қанчалик мураккаб эканлиги ва вақтдан самарали фойдаланиш ҳақида билиб оладилар. Шунингдек, улар турли хил дастурий маҳсулотларни лойиҳалаштирадилар ва ишлаб чиқадиладар.

Ўқувчилар зарур дастурий таъминот маҳсулотини режалаштиришлари ва ишлаб чиқаришлари учун бутун курс давомида эгаллаган билим ва кўникмаларига таянган ҳолда лойиҳа ва дастурий таъминотни ишлаб чиқиб ҳамда ишга тушириб, аввалги модулларда ўрганганларини амалиётда қўллай оладилар.

Ҳақиқий ҳаётда бюджетни режалаштириш ҳар қандай лойиҳанинг муҳим омили бўлишига қарамай, ўқувчилардан молиялаштириш ҳақида масалаларни кўриб чиқишлари кутилмайди. Бироқ, улар ресурсларга бўлган талаб, қурилма ва вақт каби бошқа талабларни аниқлашлари зарур.

Ўқувчилардан жамоада ишлаш талаб этилмайди, лекин уларнинг манфаатдор томонлар билан яқиндан ҳамкорлик қилиши кутилади, чунки одамларнинг кўникмалари ва яхши мулоқот, лойиҳаларни муваффақиятли бошқаришда аҳамиятли ҳисобланади.

Ўқувчилар ушбу модул учун лойиҳанинг якуний шарҳи шаклида ўз ишларининг якуний шарҳини тайёрлашлари лозим бўлади, унинг давомида ўқувчилар ва лойиҳанинг бошқа манфаатдор томонлари лойиҳанинг муваффақияти, ўқувчиларнинг ўзлаштиришлари ва дастурий маҳсулотнинг ўзини баҳолайдилар.

Ўқитиш мақсадлари ва баҳолаш мезонлари

Ушбу модулни ўтиш учун ўқувчилар муайян мезонларга мос келишлари шарт. Натижага эришиш учун зарур бўлган баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилган стандартга мувофиқ белгиланади.

Ўқитиш мақсади		Баҳолаш мезонлари	
A	Мижознинг талабларига мувофиқ дастурий таъминотни ишлаб чиқиш бўйича лойиҳани режалаштириш	A.P1	Лойиҳани ташкиллаштириш
		A.P2	Лойиҳанинг бошланғич режасини тайёрлаш
B	Мижознинг талабларига мувофиқ дастурий маҳсулот ишлаб чиқиш	B.P1	Лойиҳани ҳужжатлаштириш
C	Мижознинг талабларига мувофиқ дастурий маҳсулотни яратиш ва синовдан ўтказиш	C.P1	Дастурий маҳсулотни ишлаб чиқиш ва ҳужжатлаштириш
		C.P2	Дастурий маҳсулотни синовдан ўтказиш
		C.P3	Техник қўлланмани тайёрлаш
D	Мониторинг, дизайн шарҳи ва лойиҳани ишлаб чиқишни ўтказиш	D.P1	Режанинг бажарилишини назорат қилиш
		D.P2	Эришилган тараққиёт шарҳини тақдимотини ўтказиш ва ҳужжатлаштириш
E	Лойиҳани якунлаш	E.P1	Лойиҳани кўриб чиқиш бўйича расмий якунлаш учрашувларини ўтказиш ва ҳужжатлаштириш
		E.P2	Лойиҳанинг муваффақиятли эканлиги шарҳини ўтказиш

Мазмуни

А ўқитиш мақсади: Мижознинг талабларига мувофиқ дастурий таъминот ишлаб чиқиш бўйича лойиҳани режалаштириш

А1 Лойиҳани ташкиллаштириш

Ўқувчилар лойиҳани ташкиллаштиришлари ва уни амалга оширишга рухсат олишлари лозим. Бу қуйидаги тадбирларни назарда тутди:

- қуйидагиларни ўз ичига оладиган, лойиҳани ташкиллаштириш тўғрисида ҳужжатни тайёрлаш:
 - якуний натижалар;
 - муваффақият мезонлари;
 - муддатлар;
 - манфаатдор шахслар:
 - катта менежер (масалан, ўқитувчи);
 - лойиҳа раҳбари (ўқувчи);
 - мижоз (масалан, иш берувчи ёки ўқитувчи);
 - тақризчи (масалан, бошқа ўқувчи).
 - хатарларни бошқариш.
- Лойиҳа ташкилотчисининг катта менежер ва мижоз билан учрашувини режалаштириш, у қуйидагиларни ўз ичига олади:
 - кун тартибини яратиш;
 - учрашувни ташкиллаштириш.
- ташкилий учрашув лойиҳасини қуйидаги йўллар билан бошқариш:
 - ташкилий ҳужжатни тақдим этиш;
 - муҳокамалар ёзуви;
 - ҳар қандай ҳаракатларни келишиш.
- учрашувдан кейин вазифаларнинг қуйидаги йўл билан бажарилиши:
 - учрашув баённомасини тузиш;
 - учрашув баённомасини тарқатиш;
 - агар ўринли бўлса, ҳаракатларни бажариш;
 - катта менежер ва мижоздан лойиҳанинг розилигини олиш.

A2 Лойиҳанинг бошланғич режасини тайёрлаш

Лойиҳа расмий маъқулланганидан кейин ўқувчилар лойиҳани бошқаришлари ва катта менежернинг розилигини олишлари учун дастурий таъминот ёрдамида лойиҳанинг режасини яратишлари лозим. Режа қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

- фазалар ва уларнинг босқичлари;
- асосий босқичларни бажариш учун зарур вазифалар;
- кутилмаган, эҳтимолий вазиятлар учун захира;
- қуйидагиларни кўрсатиш учун Гант диаграммаси ёрдамида вазифалар графиги:
 - вазифалар қандай;
 - режалаштирилган вазифаларни бажаришни бошлаш ва якунлаш саналари;
 - ҳар бир вазифа қанча вақт мобайнида бажарилиши лозим;
 - вазифаларнинг такрорланиши.
- ҳар бир вазифа учун зарур ресурслар;
- режалаштирилган расмий тақдимотлар:
 - маҳсулот билан ишлашда тараққиётни текшириш учун мижозларнинг фикрлари, хусусан:
 - лойиҳалаштириш жараёнида камида битта текширув;
 - маҳсулотни ишлаб чиқишда камида битта тақдимот.
 - Катта менежер режанинг бажарилишини кўриб чиқади, шу жумладан:
 - лойиҳалаштириш жараёнида камида битта тақдимот;
 - маҳсулотни ишлаб чиқишда камида битта тақдимот.

В ўқитиш мақсади: Мижознинг талабларига мувофиқ дастурий маҳсулотни ишлаб чиқиш

В1 Хужжатлаштирилган лойиҳа

Ўқувчилар қуйидаги имкониятларга эга бўлишлари лозим:

- улар ишлаб чиқаётган маҳсулот турига тааллуқли хужжатдан фойдаланиб, лойиҳа режасига мувофиқ дастурий маҳсулотни ишлаб чиқиш.

С ўқитиш мақсади: Мижознинг талабларига мувофиқ дастурий таъминотни яратиш ва синовдан ўтказиш

С1 Дастурий маҳсулотни ишлаб чиқиш ва ҳужжатлаштириш

Ўқувчилар қуйидаги имкониятларга эга бўлишлари лозим:

- лойиҳа режасига мувофиқ дастурий маҳсулотни ишлаб чиқиш;
- техник қўлланма ишлаб чиқиш.

С2 Дастурий маҳсулотни ишлаб чиқиш

Ўқувчилар ечимнинг функционаллигини текширишлари учун мос синовлар ва синов маълумотларини танлаш имкониятларига эга бўлишлари лозим.

- Аниқланган синов мақсадини таърифланг.
- Қўлланиладиган синов маълумотларини аниқланг, шу жумладан:
 - ҳақиқий синов маълумотлари – дастурий маҳсулот қабул қилиши лозим бўлган маълумотлар;
 - ҳақиқий экстремум – ҳақиқий ҳисобланадиган, лекин рухсат этилган чегарада жойлашган маълумотлар;
 - нотўғри – дастурий маҳсулот қабул қилиши керак бўлмаган маълумотлар;
 - рухсат этилмаган экстремум – ҳақиқий ҳисобланган, лекин рухсат этилган чегарадан ташқарида жойлашган маълумотлар / кирувчи маълумотлар;
 - хато – нотўғри турдаги маълумотлар.
- Ҳар бир синов учун бошланғич шартларни аниқланг (синовни ўтказгунга қадар нималар бажарилган бўлиши лозим).
- Синовдан кутилаётган натижаларни таърифланг.
- Функционаллик синовини ўтказинг ва натижаларни рўйхатдан ўтказинг:
 - натижаларнинг скриншотини тақдим этиш;
 - ҳар қандай киритилган ўзгаришларни тушунтириш;
 - синовни такрорлаш (қўлланилишига қараб).

D ўқитиш мақсади: Мониторинг, дизайн шарҳи ва лойиҳани ишлаб чиқишни ўтказиш

D1 Режанинг бажарилишини назорат қилиш

Ўқувчилар лойиҳа режасининг динамик ҳужжат эканлигини тушунишлари лозим. У лойиҳа давомида кўп бора ўзгаради. Улар қуйидагиларга қодир бўлишлари лозим:

- ишнинг боришини мунтазам равишда режа билан солиштириш;
- режани янгилаш;
- топшириш муддатига риоя этилишини таъминлаш учун режани ўзгартириш;
- режага киритилган ҳар қандай ўзгаришларни у графикка мос келиши учун тушунтириш;
- лойиҳа тарихини аниқлаш мумкин бўлиши учун ҳар бир босқичнинг сўнггида режанинг нусхасини сақлаш.

D2 Шарҳ ўтказиш ва лойиҳанинг бажарилишини ҳужжатлаштириш

Ўқувчилар режага мувофиқ лойиҳанинг бажарилишини ҳужжатлаштиришлари лозим.

- Расмий шарҳлар (режага киритилган шарҳлар):
 - кун тартибини яратиш;
 - учрашувлар баённомасини тузиш.
- катта менежер ва мижоз билан (режада назарда тутилмаган) норасмий учрашувлар ёки мулоқот:
 - учрашувлар ёки мулоқотлар учун: асосий маълумотларни ва нималар муҳокама қилинганлигини ёзиш (сана, манфаатдор шахс ким);
 - ёзма мулоқот учун: хатларнинг нусхаси.

Е ўқитиш мақсади: Лойиҳани якунлаш

Е1 Лойиҳанинг якуни бўйича учрашув

Ўқувчилар лойиҳанинг якуни бўйича расмий учрашувни ўтказиш ва ҳужжатлаштириш имкониятига эга бўлишлари лозим, у қуйидагиларни ўз ичига олади:

- катта менежер иштирокида лойиҳани бошқариш бўйича кўриб чиқиш учрашувини;
- дастурий маҳсулотнинг шарҳи бўйича мижоз билан учрашувни.

Учрашув учун ўқувчилар қуйидагиларга қодир бўлишлари лозим:

- кун тартибини яратишга;
- муҳокамаларни ёзиб олишга;
- якуний тугалланган режани тақдим этишга;
- баённома юритишга.

Е2 Лойиҳаларнинг шарҳлари

Ўқувчилар қуйидагилар ёрдамида ўзларининг лойиҳаларини баҳолашга қодир бўлишлари керак:

- лойиҳаларни бошқариш ва шахсий таҳлил шарҳи бўйича учрашув иштирокчиларининг фикрлари асосида лойиҳа менежери сифатида шахсий ишларини текшириш;
- дастурий маҳсулот шарҳи ва ўзларининг шахсий фикрлари бўйича учрашув иштирокчиларининг фикрлари асосида маҳсулотнинг муваффақиятини баҳолаш.

Модулнинг қисқача тавсифи

Ўқитиш мақсади	Мундарижанинг асосий бандлари	Баҳолашга ёндашиш
A Мижознинг талабларига мувофиқ дастурий таъминотни ишлаб чиқиш бўйича лойиҳани режалаштириш	A1 Лойиҳани ташкиллаштириш A2 Лойиҳанинг бошланғич режасини тайёрлаш	Лойиҳани ташкиллаштириш тўғрисида ҳужжат, Гантнинг бошланғич диаграммаси ва лойиҳани ташкиллаштириш бўйича йиғилишлар баённомаларини ўз ичига оловчи ҳужжатлар
B Мижознинг талабларига мувофиқ дастурий таъминот ишлаб чиқиш	B1 Лойиҳани ҳужжатлаштириш	Лойиҳалаштириш, ишлаб чиқиш ва синовдан ўтказиш қуйидагиларни ўз ичига олади: - дастурий таъминотга тааллуқли лойиҳа ҳужжатларини - мос форматдаги якуний дастурий маҳсулот, масалан бажарилаётган дастур, веб-сайт / веб-иловага ҳавола, ўйиннинг ёки мобил илованинг бажарилаётган версияси
C Мижознинг талабларига мувофиқ дастурий таъминотни яратиш ва синовдан ўтказиш	C1 Дастурий лойиҳани ишлаб чиқиш ва ҳужжатлаштириш C2 Дастурий таъминотни синовдан ўтказиш	ҳар қандай киритилган ўзгаришларни ўз ичига олган ҳолда синовлар ва синов натижаларининг режалари
D Мониторинг, дизайн шарҳи ва лойиҳани ишлаб чиқишни ўтказиш	D1 Режанинг бажарилишини назорат қилиш D2 Шарҳ ўтказиш ва лойиҳанинг бажарилишини ҳужжатлаштириш	Ҳужжатларни назорат қилиш ва текшириш: - ҳар бир босқич сўнгидаги янгиланган режа; - кун тартиблари ва йиғилишлар баённомалари; - музокараларнинг бошқа ёзувлари.

Ўқитиш мақсади	Мундарижанинг асосий бандлари	Баҳолашга ёндашиш
Е Лойиҳани якунлаш	Е1 Лойиҳани якунлаш бўйича учрашувлар Е2 Лойиҳаларнинг шарҳи	Лойиҳани бошқариш шарҳи ва дастурий таъминот лойиҳасининг шарҳи учун ҳужжатлар, шу жумладан: • якуний янгиланган режа; • кун тартиби ва йиғилиш баённомаси; • лойиҳани бошқариш шарҳи; • дастурий маҳсулотнинг шарҳи.

Ўқитувчилар ва имтиҳон олувчилар учун қўшимча маълумот

Ресурсларга талаблар

Ушбу модул учун ўқувчилар уларга мувофиқ модул талабларига мос дастурий маҳсулотни лойиҳалаштириш, яратиш ва синовдан ўтказиш имконини берадиган ресурслардан фойдаланиш имконига эга бўлишлари лозим. Шунингдек уларга лойиҳаларни бошқаришлари учун дастурий таъминотдан фойдаланиш имконияти керак бўлади.

Ечимларни баҳолаш учун зарур маълумот

Ўқувчилар мижоз учун дастурий таъминот лойиҳасини режалаштириш, лойиҳалаштириш, ишлаб чиқиш, синовдан ўтказиш, мониторинг қилиш ва текшириш далилларини тақдим этишлари лозим. Катта менежер ролини ўқитувчи бажариши мумкин. Ҳақиқатда эса мижознинг ролини бошқа одам бажаради (иш берувчи ёки бошқа ўқитувчи), лекин битта ўқитувчи иккала ролни ўйнаши мумкин.

А ўқитиш мақсади

Ўқувчилар мижозларнинг улар яратадиган маҳсулот турига мос келадиган ва лойиҳа тўғрисида муҳим маълумотни ўз ичига оладиган қисқача тавсифи асосида лойиҳани ташкиллаштириш ҳақида ҳужжат тайёрлашлари лозим. Кейин ўқувчилар лойиҳа ташкилотчисининг мижоз ва катта менежер билан учрашувини ташкиллаштиришлари, ўтказишлари ва ҳужжатлаштиришлари ҳамда лойиҳани давом эттириш учун мижознинг расмий розилигини олишлари керак.

Лойиҳага розилик олинганидан сўнг, ўқувчилар режалаштирилган шарҳларни ўтказиш муддатларини ўз ичига олган ҳолда вақт ва ресурслар қандай қўлланилишини кўрсатувчи лойиҳанинг бошланғич режасини тузишлари лозим. Шунингдек, ушбу лойиҳа режаси ўқувчилар лойиҳалаштириш босқичига ўтишларига қадар катта менежер томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

В ўқитиш мақсади

Ўқувчилар мижознинг талабларига (лойиҳалаштириш босқичида белгиланган ҳар қандай қўшимча талабларни ўз ичига олган ҳолда) мувофиқ дастурий таъминот лойиҳасини ишлаб чиқишлари лозим. Бу маҳсулот учун маҳсус лойиҳа ҳужжатларини ўз ичига олиши лозим (масалан, агар улар веб-сайт ишлаб чиқаётган бўлсалар, улар 3-модулда ишлатилган лойиҳа ҳужжатларидан фойдаланадилар).

С ўқитиш мақсади

Ўқувчилар мижознинг талабларини (ишлаб чиқиш босқичида белгиланган ҳар қандай қўшимча талабларни ўз ичига олган ҳолда) қондиришлари учун синов ўтказиш режаси ва натижалари билан бирга дастурий маҳсулот ишлаб чиқишлари лозим.

Шунингдек, ўқувчилар маҳсулотга хизмат кўрсатишни қўллаб-қувватлаш учун техник қўлланма тайёрлашлари лозим. Малакали мутахассис маҳсулотни қўллаб-қувватлаши учун етарли маълумот бўлиши керак. Шунингдек, ўқувчилар катта менежер ёки мижоз билан бўлган ҳар қандай норасмий (режалаштирилмаган) шарҳларни ҳужжатлаштиришлари лозим.

Д ўқитиш мақсади

Д ўқитиш мақсадини баҳолаш В ва С ўқитиш мақсадларининг баҳоланиши билан бириктирилган. Лойиҳалаштириш ва ишлаб чиқиш босқичларида ўқувчилар лойиҳа ҳамма вақт жорий ҳолатини кўрсатиб туриши учун лойиҳани назорат қилиш ва ўз режасини мунтазам янгилаш қобилиятларини намоиш этишлари лозим.

Шунингдек, улар лойиҳалаштириш ва ишлаб чиқиш босқичида мижоз ва менежер билан камида битта шарҳни намоиш этишлари керак.

Е ўқитиш мақсади

Ўқувчилар лойиҳани якунлашлари лозим. Бу уларнинг мижозга якуний маҳсулотни ва катта менежерга охирги янгиланган режани тақдим этишлари кўзда тутилган якуний шарҳ учрашувини ўтказиш ва ҳужжатлаштиришни ўз ичига олади. Ўқувчилар ушбу фикр-мулоҳазалардан ва шахсий қарашлардан лойиҳа раҳбари сифатида ўз ишларининг шарҳи ва ўзлари ишлаб чиққан ҳамда лойиҳалаштирган маҳсулотнинг шарҳини ёзиш учун фойдаланишлари мумкин.

Бошқа модулларга ҳаволалар

Ўқувчилар 9-модул: *Дастурий таъминот лойиҳаларини режалаштириш ва бошқариш*да эгаллаган лойиҳаларни бошқариш кўникмаларини қўллайдилар.

Улар 2-модул: *Дастурий таъминот таҳлили ва дизайн*да ўрганган умумий таҳлилий ва дизайнерлик кўникмаларини қўллайдилар.

Шунингдек, улар қуйидаги модуллардан бирида эгаллаган техник кўникмаларини қўллайдилар (бу танланган лойиҳага боғлиқ):

- 1-модул: *Дастурлашга кириш;*
- 3-модул: *Веб-сайт яратиш;*
- 4-модул: *Турли кодлаш парадигмалари ёрдамида дастурлаш;*
- 5-модул: *Веб-илловалар учун маълумотлар базасини ишлаб чиқиш;*
- 6-модул: *Рақамли графика ва анимация;*
- 7-модул: *Мобил иловаларни ишлаб чиқиш;*
- 8-модул: *Компьютер ўйинларни яратиш.*

11-модул: Иш тажрибаси

Ўзбекистон Даража: 4

Модул тури: Ички баҳолаш

Ўқув соатлари: 120

Модул билан танишиш

Иш тажрибаси ўқувчиларга реал иш жойида кўникмаларини, билимларини ва шахсий тажрибаларини ривожлантириш имкониятини беради. Улар томонидан ривожлантирилаётган кўникмалар бўлғуси иш берувчиларга уларнинг қобилиятлари ва салоҳияти ҳақида маълумот беради.

Иш тажрибасига тайёргарлик кўриш муҳим. Ўқувчилар ўқишни бошлашларидан аввал ташкилот ҳақида ва ўзларининг роллари ҳақида маълумотга эга бўладилар ҳамда тажрибадан нималарга эга бўлишлари ҳақида ўйлаб кўрадилар. Ишнинг бажарилишида улар нима қилганликларининг ҳисобини юритадилар. Иш тажрибасига эга бўлишда, улар ўзларининг тажрибаси ҳақида нималарни билиб олганликлари ва нималарни такомиллаштириш кераклиги нуқтаи назаридан фикр юритадилар.

Ўқитиш мақсадлари ва баҳолаш мезонлари

Ушбу модулни ўтиш учун ўқувчилар муайян мезонларга мос келишлари шарт. Натижага эришиш учун зарур бўлган баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилган стандартга мувофиқ белгиланади.

Ўқитиш мақсади		Баҳолаш мезонлари	
A	Иш тажрибасига тайёр бўлиш	A.P1	Ташкилот ва режалаштирилган иш тажрибасини тавсифлаш
		A.P2	Режалаштирилган иш тажрибасининг қабул қилинган афзалликларини тушунтириш
B	Иш тажрибасини хавфсиз ва тегишли тарзда олиш	B.P1	Кириш тажрибаси иш тажрибасига тайёргарлик сифатида қанчалик самарали эканлигини баҳолаш
		B.P2	Иш тажрибасини ошириш учун қилинган ҳаракатларни тавсифлаш
C	Иш тажрибаси кўри бчиқиш	C.P1	Иш Тажриба қанчалик яхшилаганлигини баҳолаш
		C.P2	Ўрганилган нарсаларни ва бунинг фойдасини тушунтириш
		C.P3	Қайси билим ва кўникмаларни янада ривожлантириш зарурлигини тушунтириш
		C.P4	Иш тажрибасининг мартаба танлашга таъсирини тушунтириш

Мундарижа

А ўқитиш мақсади: Иш тажрибасига тайёр бўлиш

А1 Ташкилот ҳақида билиш

Ўқувчилар ўзлари ишламоқчи бўлган ташкилот ҳақида билишлари лозим, масалан:

- компания нима билан шуғулланади, масалан, унинг асосий маҳсулотлари, хизматлари ва ҳ.к.;
- ташкилотнинг кўлами;
- одамлар бажарадиган ишларнинг турлари.

Шунингдек, ўқувчилар ўзларининг роллари ҳақида имкон қадар кўпроқ билишлари лозим, масалан:

- иш тажрибасини эгаллашда раҳбар ким бўлиши;
- улар биринчи кун қаерга боришлари лозимлиги;
- ишнинг бошланиш ва якунланиш вақти;
- фаолият тури;
- нима кийиш;
- ўзи билан нималарни олиш кераклиги.

А2 Иш тажрибасидан қандай қилиб яхши тарзда фойдаланиш мумкин

Ўқувчилар ўзларининг иш тажрибаларидан қай тарзда яхши фойдаланишни тушунишлари лозим:

- яхши биринчи таассурот қолдириш, масалан:
 - кеч қолмаслик;
 - мос равишда кийиниш;
 - ғайратли бўлиш.
- нима қандай қилинаётганлигини эшитиш ва кузатиш;
- одамларни билиб олишга ҳаракат қилиш;
- ташкилий бўлиш;
- бошқаларга ёрдам бериш;
- саволлар бериш;
- қайдлар қилиш;
- фикр-мулоҳазаларни сўраш.

A3 Иш тажрибасининг афзалликлари

Ўқувчилар одамларнинг иш тажрибасидан қандай фойда олишлари мумкинлигини билишлари лозим, масалан:

- реал иш жойида билим ва кўникмаларни қўллаш;
- янги техник билим ва кўникмаларни ўрганиш;
- эгалланадиган кўникмаларни такомиллаштириш, масалан:
 - жамоада ишлаш;
 - тайм-менежмент;
 - муаммоларни ечиш;
 - мулоқот қобилиятлари;
 - бошқалар билан ишлаш.
- муайян иш ёки сектор ҳақида кўпроқ билиш;
- ташкилотнинг ишлаш усулини ва улар дуч келадиган муаммоларни ўрганиш;
- келажакда фойдали бўладиган алоқаларни ўрнатиш.

B ўқитиш мақсади: Иш тажрибасини хавфсиз ва тегишли тарзда олиш

B1 Кириш кўрсатмалари

Иш фаолиятининг бошида ўқувчилар кириш кўрсатмасидан ўтишлари зарур. Бу одатда иш таъминоти бўйича раҳбар томонидан уларнинг биринчи иш кунида амалга оширилади ва қуйидагиларни ўз ичига олади, масалан:

- иш жойи ва унинг хоналарини кўздан кечиришни;
- ҳар қандай хавфсизликни таъминлаш тартиблари тўғрисида маълумот, масалан, киришда рухсатнома, фавқулодда вазиятларда нима қилиш кераклигини;
- меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича маълумотни;
- АТ-тизимлар каби тегишли ресурслар ҳақида маълумотни;
- ташкилот ва ундаги тартиблар тўғрисида бошқа тегишли маълумотни;
- ўқувчилар иш тажрибаси мобайнида бажарадиган фаолият тўғрисида батафсил маълумотларни;
- ўқувчиларнинг кимлар билан ишлашлари тўғрисида батафсил маълумотни.

B2 Иш тажрибасини ёзиш

Иш вақтида ўқувчилардан журнал ёки кундалиқдан фойдаланиб ёзувлар юритишлари кутилади, уларда қуйидагилар баён қилинган бўлиши лозим:

- улар ҳар куни нималарни бажарганликлари;
- кимлар билан ишлаганликлари;
- раҳбарларидан, ҳамкасбларидан ёки мижозларидан олинган ҳар қандай фикр-мулоҳазалар.

C ўқитиш мақсади: Иш тажрибаси кўри бчиқиш

C1 Иш тажрибасини ўрганиш

Фаолият охирида ўқувчиларнинг барчаси иш тажрибасини қай даражада яхши ўтаганлиги тўғрисида ўйлаб кўришлари муҳим:

- ҳар қандай ютуқларни ўз ичига олган ҳолда иш мобайнида нималарни яхши ўтаган;
- улар нималарни билиб олдилар, масалан:
 - сектор ҳақида;
 - ташкилот тўғрисида;
 - муайян лавозим ҳақида;
 - янги техник билим ва кўникмалар ҳақида;
 - ҳар қандай эгалладиган кўникмалар ҳақида.
- янада ривожлантириш зарур бўлган ҳар қандай билим ва кўникмалар соҳаси;
- иш тажрибаси уларнинг касб танловига таъсир кўрсатдими;
- улар ушбу секторда ишлашни хоҳлашларига озми-кўпми амин бўладилар;
- ушбу секторда уларга мос келадиган бошқа роллар мавжудми?

Модулнинг қисқача тавсифи

Ўқитиш мақсади	Мундарижанинг асосий бандлари	Баҳолашга ёндашиш
A Иш тажрибасига тайёр бўлиш	A1 Ташкилот ҳақида билиб олиш A2 Иш тажрибасини қандай яхши тарзда қўллаш A3 Иш тажрибасининг афзалликлари	Иш тажрибасига тайёрланиш, шу жумладан ташкилот туғрисида тадқиқот ва иш тажрибаси асосида нималарга эришишни хоҳлашлари
B Иш тажрибасини хавфсиз ва тегишли тарзда олиш	B1 Кириш кўрсатмаси B2 Иш тажрибасининг ёзуви	Ўқувчининг кириш кўрсатмаси туғрисидаги ёзув. Ўқувчининг ҳар куни бажарган ишлари ва ҳар қандай олинган фикрлари ҳақида журнал
C Иш тажрибаси кўриб чиқиш	C1 Иш тажрибасини ўрганиш	Ўқувчининг иш тажрибаси шарҳи

Ўқитувчилар ва имтиҳон олувчилар учун қўшимча маълумотлар

Ресурсларга талаблар

В ўқитиш мақсади учун ўқувчилар иш тажрибасига эга бўлишлари учун 110 соат меҳнат амалиётини ўтаганлик таъминланган бўлиши лозим.

Ишга жойлашиш ушбу модул бажарилгунга қадар ташкиллаштирилган бўлиши лозим. Иш берувчилар А ўқитиш мақсадига мувофиқ иш тажрибасини эгаллашда тайёрлаш доирасида ўзининг иш билан таъминлаш тўғрисида маълумотни ўқувчиларга тақдим этишлари учун муҳимдир. Ушбу маълумот масофадан туриб (электрон почта ёки телефон орқали) ёки шахсан (масалан, ўқувчи қулай вақтда иш берувчига ташриф буюриши мумкин) берилиши мумкин.

Иш берувчи кириш инструктажини ўтказишга тайёр бўлиши (В ўқитиш мақсади) ва меҳнат амалиётини ўташ вақти мобайнида муносиб фаолият ва назоратни таъминлаши лозим. Ҳақиқатда, бу ўқувчиларга стажировка вақтида ва охирида доимий фикрлар тақдим этишни ўз ичига олади.

Ечимларни баҳолаш учун зарур маълумотлар

А ўқитиш мақсади

Ўқувчилар ўзлари ишламоқчи бўлган ташкилотни тавсифлаб беришлари лозим. Ушбу тавсиф ташкилотнинг нима қилаётганлиги, унинг кўлами ва одамлар бажараётган ишларнинг турлари тавсифини ўз ичига олиши лозим. Шунингдек, у раҳбарнинг ким бўлиши (агар бу маълумот очик бўлса), улар биринчи кун қаерга боришлари кераклиги, бошланиш ва якунлаш вақти, нималар кийиши ёки ўзи билан олиб келиши кераклиги ва нималар қилиши кераклиги ҳақида маълумотни ташкил қилган режалаштирилган иш тажрибасини ўз ичига олиши лозим.

Шунингдек, улар иш тажрибасидан уларнинг ҳар бири учун сабабларни кўрсатган ҳолда фойдаларни чиқариб олишнинг учта усулини тушунтиришлари лозим. Бу қуйидаги жиҳатларнинг биттаси ёки бир нечтасига тегишли бўлиши керак: иш жойида техник билим ва кўникмаларни қўллаш; янги техник билим ва кўникмаларни ўрганиш; узатиладиган кўникмаларга ишлов бериш ёки такомиллаштириш; иш ёки соҳа тўғрисида қўшимча маълумотни олиш; ёки ташкилотнинг иш усулини ва у дуч келадиган муаммоларни ўрганиш.

В ўқитиш мақсади

Ўқувчилар ишга қанчалик яхши тайёргарлик кўришганлиги нуқтаи назаридан кириш кўрсатмаси қанчалик яхши ўтганлигини, билиш фойдали бўлган бирон нима тушириб қолдирилмаганлиги ва такомиллаштирилиши керак бўлган нимадир қолиб кетмаганлигини баҳолашлари лозим. Ушбу баҳолашни улар корхонада уч кундан кўп ишлаганларидан кейингина ўтказиш лозим.

Шунингдек, ўқувчилар иш тажрибасининг ҳисобини юритишлари лозим. Ушбу ёзувларда улар ҳаракатларни тавсифлашлари ва кимлар билан ишлаганликлари ҳамда улар олган ҳар қандай фикрларни (бу уларнинг раҳбарлари, ҳамкасблари ёки мижозлари бўлиши мумкин) тавсифлаб беришлари лозим.

С ўқитиш мақсади

Ўқувчилар ўзларининг иш тажрибаларини қайта кўриб чиқишлари лозим. Бунинг учун улар нимага эришмоқчи бўлганликларини (иш тажрибаси бошланмасидан аввал) ва иш вақтида нима содир бўлганлигини яна бир бор кўриб чиқишлари керак бўлади. Буни амалга оширгандан сўнг, улар билиб олган учта нарсани баён қилишлари ва уларнинг ҳар бири қандай фойда келтиришини тушунтириб беришлари лозим.

Кейин улар ушбу маълумотдан нима яхши ўтганлиги ва нима яхшироқ бўлиши мумкинлиги нуқтаи назаридан ўз иш тажрибасининг умумий баҳосини тақдим этиш учун фойдаланишлари лозим.

Бундан ташқари, улар ўзларига келгуси такомиллашув учун зарур учта билимлар ва/ёки кўникмалар соҳасини ажратишлари ва уларнинг ҳар бири учун сабабларни кўрсатишлари лозим. Улар А ўқитиш мақсадига эришиш бўйича иш тажрибасидан қандай фойда олишни исташларини тавсифлашда кўриб чиққан бир ёки бир нечта категорияларга тааллуқли бўлиши мумкин.

Ва ниҳоят, улар ўзларининг иш тажрибаларининг касб танловига таъсирини тушунтиришлари лозим. Бу ижобий ёки салбий, ёки ушбу иккала омилнинг бирикмаси бўлиши мумкин.

Бошқа модулларга ҳаволалар

Мазкур модул спецификациядаги барча модуллар билан боғланган.

Иш берувчининг иштироки

Иш берувчилар ушбу модулни режалаштиришда ва бажарилишида иштирок этишлари лозим бўлади. Қўшимча маълумот юқорида «Ресурслар» бўлимида келтирилган.

4 Дастурингизнинг режалаштирилиши

Ўқувчиларим учун ВТЕС Ўзбекистондаги 4-даража малакасини қандай тўғри танлашим мумкин?

ВТЕС Ўзбекистондаги 4-даража малакалари ҳар хил ҳажмда, ҳар бири аниқ мақсади билан бўлади. Сиз ўқувчилар ўз ўқув дастурларига мос келадиган малака билан бошлаётганларига ва кейинги босқичга ўтишига ёрдам берадиган керакли қўшимча модулларни танлашга ишонч ҳосил қилиш учун уларни қабул қилишда эҳтиёткорлик билан ёндашишингиз керак бўлади.

Баъзи ўқувчилар бир қатор қўшимча малакаларни ўтишни ёки ривожланиш имкониятларини очиқ қолдиришни хоҳлаши мумкин. Бу ўқувчилар ВТЕС Ўзбекистондаги 4-даража кириш ёки кўмакчи дипломини олиш учун мос келиши мумкин. Кейинчалик янада кенгроқ касбий дастур бўйича ўқишни давом эттиришга қарор қилган ўқувчилар ВТЕС Ўзбекистондаги 4-даража асосий таълими бўйича диплом дастурига ўтиши мумкин.

Кирувчиларга талаблар мавжудми?

Марказ сифатида сиз танлаб олинаётган ўқувчиларнинг дастурдан кутадиган натижалари меъёрга бўлишига масъулсиз. Киришга нисбатан расмий талаблар йўқ, бироқ биз ўқувчиларнинг Ўзбекистон 4-даража ёки шунга тенг малакага эга бўлишларидан умидвормиз.

Ўқувчилар яхши даражада ўзлаштириш қобилиятларини турли усуллар билан намойиш этишлари мумкин. Масалан, улар тегишли иш тажрибасига эга бўлишлари ёки қобилиятларини диагностик синовлар ва амалий тажриба ёрдамида намойиш этишлари мумкин.

Марказ томонидан лицензия олинишига бўлган шартлар қандай?

Барча марказлар, ўқувчиларни баҳолаш учун тайёр бўлган ҳолда ушбу малакаларни таклиф эта олишлари ҳамда биз зарур кўмакни бера олишимиз учун тасдиқланган бўлишлари зарур. Қўшимча маълумотлар *Сифатни таъминлаш* номли 8-бўлимда келтирилган.

Малакани тақдим этиш учун қандай ресурслар зарур?

Марказингизнинг тасдиқланишга лойиқлигини кўрсатиш учун ВТЕС малакасини тақдим этишингиз учун зарур моддий ресурслар ва иш зонаси мавжуд эканини кўрсатишингиз керак бўлади. Баъзи модуллар учун муайян ресурслар талаб этилади.

Иш берувчиларни жалб этиш учун қандай тавсиялар мавжуд?

ВТЕС малакалари касбий малакалар ҳисобланади ва сизга тасдиқланган марказ сифатида мазкур малакаларнинг долзарблиги ва талабга муносиб бўлиши учун ҳамда улар ўқувчиларнинг малакасини оширишини таъминлашини ҳисобга олиб, иш берувчилар билан ишлаш тавсия этилади. Кўп модулларда қандай қилиб иш берувчилар ўқитиш ва/ёки баҳолашда иштирок этишлари мумкинлиги ҳақида таклифлар мавжуд, бироқ улар якунловчи ҳисобланмайди ва локал даражадаги бошқа имкониятлар пайдо бўлиши мумкинлигини кўзда тутиш лозим.

Қандай кўмакларни олиш имкони мавжуд?

Биз кўплаб ёрдамчи материалларни, жумладан ўқитиш бўйича йўриқнома, иш схемаси, дарс режалари ва баҳолаш учун иш дафтарларини тақдим этамиз.

Режалаштиришнинг дастлабки босқичида сизга баҳолашларингизни режалаштиришда ёрдам берувчи стандартлар верификатори тайинланади.

Қўшимча маълумот олиш учун *Ресурслар ва қўллаб-қувватлаш* номли 10-бўлимга қаранг.

Ушбу малака туфайли ўқувчилар қанчалик даражада меҳнатга лаёқатли бўлиб етишадилар?

ВТЕС малакаси тегишли касбий стандартлар билан солиштирилган, *1 – илова Тармоқ стандартларига ҳаволалар* га қаранг. Жамоавий фаолият ва тадбиркорлик каби ишга жойлашиш кўникмалари ва амалий кўникмалар ўқитиш мақсадлари ва мазмун дизайнига жойлаштирилган. Бу сизга ўқувчиларнинг билим ва кўникмаларининг кенглигини улар керак бўладиган тарзда намойиш этувчи ҳақиқий маълумотлар тўпламини ишлаб чиқиш имкониятини бериш учун тегишли шароит, сценарий ва материаллардан фойдаланиш имконини беради.

5 Баҳолаш тузилмаси

Кириш

Дастурни тақдим этиш ва баҳолашнинг умумий режасини ишлаб чиқишда қисқа ёки узоқ вақт давомида ва баҳолаш ўз ўрнига эга бўлганда модулларнинг кетма-кетлиги тартибини ҳисобга олиш зарур.

Биз баҳолашга ажратилган вақт мақбул бўлиши, шунингдек дарс олиб бориш ва ўқитиш, баҳолашнинг шаклланиши ва етказилувчи кўникмаларнинг ривожланиши учун етарли миқдорда соатлар ажратилиши учун вақтнинг тақсимланиш заруриятини кўриб чиқдик.

Марказ ички баҳолашни ўтказишда қайд этиш, ёзиш ва натижаларда қўлланиладиган муайян таомил ва сиёсатлар тўғрисида билиши лозим. Қўшимча маълумотлар *Маъмурий чоралар* номли 7 – бўлимда келтирилган.

Ички баҳолаш

Бизнинг ички баҳолашга бўлган ёндашувимиз баҳолашнинг мослашувчанлигини, яъни эркин танловни кўзда тутди, бироқ бунинг учун сиз баҳолаш талабларига ва сифатни таъминлаш талабларига мос келишингиз зарур. *Модуллар* деб номланадиган 3-бўлимда тушунтириладиган модуллар формати талабларини ҳамда *Ички баҳолаш* деб номланадиган 6-бўлимда келтирилган баҳолаш ишининг стандартларини эътиборга олиш лозим бўлади.

6 Ички баҳолаш

Ушбу бўлимда ички баҳолашнинг асосий хусусиятлари тушунтирилади ва сиз тасдиқланган марказ сифатида буни қандай тарзда самарали амалга оширишингиз мумкинлиги кўрсатиб берилади. Бундан ташқари, баҳолаш жамоангизнинг барча аъзолари *Сифатни таъминлаш бўйича Pearson Халқаро йўриқномасига* мурожаат этишлари лозим. Бу ерда ички баҳолашга бўлган тўлиқ талабларни ва у қандай ишлаши тўғрисидаги маълумотни топиш мумкин.

ВТЕС малакалари учун амалиётни бажариш ҳамда олинган билим ва кўникмаларни қўллаш имкониятларини таклиф этувчи дастурни таъминлаш муҳим. Сиз дастурни локал эҳтиёжларга мослаштиришингиз ва маҳаллий иш берувчилар ҳамда кенгроқ касбий сектор билан алоқадан фойдаланишингиз мумкин. Ички баҳолаш барча ўқувчилар учун адолатли бўлиши ва миллий стандартларга мос келиши лозим.

Ички баҳолаш тамойиллари

Баҳолаш учун иш дафтари

Биз, амалий ва ёзма топшириқларни ўз ичига олувчи баҳолаш учун иш дафтари тақдим этамиз. Иш схемаси, сиз қачон бу баҳолаш учун иш дафтарларини ўқувчиларга тақдим этишингизни кўрсатади. Баҳолаш учун иш дафтари тўлдириш – бу курс давомида ўқувчи амалга оширадиган, бошқа машғулотлардан фарқ қилувчи алоҳида машғулот. Ҳар бир ўқувчи баҳолаш учун иш дафтарининг тегишли бўлимларини синфда, кўрсатилган назорат қилинувчи шароитларда, ўқитувчининг ҳеч қандай ёрдамисиз тўлдириши лозим. Баҳолаш учун иш дафтари доим марказда сақланиши лозим; уни уйга олиб кетиш мумкин эмас.

Модулар асосидаги мезонлар

ВТЕС малакасидаги ҳар бир модуль ушбу модуль учун мезонларга мувофиқ баҳоланади. Баҳолаш тушуниш, амалий кўникмалар ва тегишли касбий элементларни қамраб олади.

Ўқувчи модульнинг барча қисмларини ўтгандан сўнг баҳолаш жамоаси унга ушбу модуль учун тегишли баҳони тақдим этади. Агар ўқувчилар талаб этилган стандартларни бажарган бўлсалар, улар Pass (яъни «Ўтди») баҳосини оладилар. Агар у мезонларда кўрсатилган стандартга мос келмаса, модуль учун унинг натижаси Unclassified («Ёпилмаган») каби тақдим этади. Баҳолаш жамоаси якуний қарорни эълон қилиши лозим.

Баҳолаш жамоаси

Марказингизда баҳолашни ўтказишга маъсул бўлган учта лавозим мавжуд: дастур лидери, ички верификатор ва имтиҳон олувчилар. Сиз барча мутахассисларнинг борлигига ишонч ҳосил қилишингиз лозим. Уларнинг мажбуриятлари қуйида санаб ўтилган. Батафсилроқ маълумот *Сифатни таъминлаш бўйича Pearson Халқаро йўриқномаси*да мавжуд.

- Дастур лидери дастур учун, уни баҳолаш ва ички баҳолаш учун масъул. У ҳар йили Pearson да рўйхатдан ўтади ва Pearson талабларининг бажарилишига ва стандартлар верификатори билан алоқани сақлаб туришга жавоб беради. Имтиҳон олувчи дастурнинг лидери ҳисобланади, у имтиҳон олувчилар жамоасининг қолган қисмини қўллаб-қувватлайди, жамоада Pearson баҳолаш талаблари тўғрисидаги зарур маълумотларнинг мавжудлигини таъминлайди ва Pearson бошқарувчи ва қўмаклашувчи материалларидан фойдаланиб, ўқитишни ташкил этади.
- Ички верификатор (ИВ) дастур лидери билан биргаликда маслаҳатлашиб, бутун баҳолаш фаолиятини кузатади. Улар баҳолаш бўйича қарорлар ҳақиқий ва Pearson талабларига мос бўлиши учун текшириш бўйича ишни бажаришади. Одатда, ички верификатор ҳам имтиҳон олувчи ҳисобланади, у ўзининг шахсий баҳолашларини текшириши лозим эмас.
- Имтиҳон олувчилар ўқувчиларни баҳолаш учун иш дафтарларидан фойдаланадилар. Улар баҳолаш Pearson талабларига мувофиқ шаклланаётганини ва чиқарилаётганини кафолатлаш учун дастур лидери ва ички верификатор билан ишлашади.

Ўқувчиларни тайёрлаш

Самарали баҳолашни таъминлаш мақсадида сиз ўқувчилар баҳони олиш учун амал қилишлари лозим бўлган талаб ва қоидаларни, шунингдек марказ билан келишувни тушунаётганликларига ишонч ҳосил қилишингиз керак. Сиз ўқувчиларга баҳолашда ассайментлардан фойдаланишни, шунингдек сизнинг баҳолашга нисбатан ёндашувингизни, жумладан ишни топшириш ва муддатни узайтириш бўйича масалалар жараёнини тушунтирувчи йўриқномани тақдим этишингиз зарур. Ўқувчилар баҳолаш фаолиятининг ўқитиш дастурига нисбатини, бошланғич материалларга таяниш ва улардан қандай фойдаланишни тушунишлари лозим. Улар шунингдек, муддатларга амал қилишининг муҳимлигини ва ўзлари бажарган, баҳолашга тақдим этилган ишлар мустақил бажарилганлигини тушунишлари керак. Сиз ҳам плагиат иборасини ва нима учун уни қўлламаслик кераклигини аниқлаштиришингиз лозим.

Асосланган баҳолаш қарорларини қабул қилиш

Ўқувчи ишининг ҳақиқийлиги

Имтиҳон олувчи ўқувчининг ишини фақат у якунланганидан сўнг баҳолаши лозим. Ўқувчилардан баҳолаш учун тақдим этаётган маълумотлари ўзларининг шахсий мустақил ишлари экани тўғрисидаги аризани имзолашлари талаб этилади. Бу «аутентификация» деб аталади. Бунга қўшимча равишда имтиҳон олувчилар баҳолаш даври давомида кузатиш орқали далиллар ўқувчининг шахсий иши эканига ишонч ҳосил қилишлари лозим. Имтиҳон олувчилар жараённинг аҳамиятини пасайишига бевосита ҳисса қўшмаслик, йўриқнома ёки аниқ тақризлар бермаслик тўғрисида ўйлашлари керак.

Шунингдек, имтиҳон олувчилар қуйидагиларни тасдиқловчи аризани тўлдиришлари лозим:

- баҳолаш учун иш дафтарида баҳолашга тақдим этилган маълумотлар ўқувчининг шахсан ўзиники ҳисобланади
- ўқувчи ишда фойдаланилган манбаларга аниқ таянади
- улар ёлғон баёнот хизмат, вазифасини суиистеъмол қилишнинг шакли ҳисобланишини тушунадилар.

Сиз Pearson стандартларидан ўқувчиларнинг аутентификациясини расмийлаштириш учун фойдаланишингиз лозим. Баҳолаш вақтида имтиҳон олувчида ўқувчининг баъзи ёки барча маълумотлари ҳақиқийлигига шубҳа туғилиши мумкин. Кейин эксперт марказнинг ноҳалол амалиёт бўйича сиёсатига биноан тегишли ҳаракатни амалга ошириши керак бўлади. Бу тўғрисидаги қўшимча маълумот *Маъмурий чоралар* номли 7-бўлимда тақдим этилади.

Мезонлардан фойдаланиб баҳолаш тўғрисида қарор қабул қилиш

